

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ДАВЛАТ ПАТЕНТ ИДОРАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА**  
**ТОВАР БЕЛГИЛАРИ ВА ХИЗМАТ**  
**КЎРСАТИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ**  
**ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ**

**НОРМАТИВ ҲУЖОАТЛАР ТЎПЛАМИ**

**Тошкент-2003**

67.404.3

Ўзбекистон Республикасида товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларининг ҳуқуқий муҳофазаси. ЎЗР ДПИ, 2003, 68 бет.

Тузувчилар: т.ф.д. Азимов А.А., Ермолаева В.В., Данилов И.В.

Тўпلامда Ўзбекистон Республикасида товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва «Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари» каби норматив ҳужжатлар киритилган. Бундан ташқари, тўпلامда товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ патент боғларининг рўйхати ва миқдорлари келтирилган.

Тўпلام тадбиркорлар ва хўжалик субъектларининг раҳбарларига, истеъмолчилар, ҳуқуқшунослар, патентшунослар ва ҳар кунлик амалий фаолияти интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш ва уларни қўллаш билан боғлиқ бўлган барча шахслар учун мўлжалланган.

© Ўзбекистон Республикаси Давлат  
патент идораси, 2003

© Азимов А.А., Ермолаева В.В., Данилов И.В., 2003

|               |                                            |
|---------------|--------------------------------------------|
| 20.04<br>4344 | Alisher Navoiy<br>nomidagi<br>O'zbekiston? |
|---------------|--------------------------------------------|

W 30467  
D

## СЎЗ БОШИ

Товар белгиларининг пайдо бўлиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Қадим-қадимлардан буён инсонлар ўз молларини бегоналардан фарқлаш учун махсус мулккий белгилар – тамгаларни қўлаганлар. Уларни инсонлар ўз идишларига босганлар, ўз қорамолларининг танасига куйдириб туширганлар, ўз ерлари чегараларида қўйиладиган тошлар ва тўнкаларга ўйиб туширганлар.

Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожланиши билан инсонларни улар кимнинг ва қандай товарларни сотиб олаётганлиги бефарқ қолдирмади. Усталар ўз товарларини алоҳида белгилар билан тамғалай бошладилар. Товарда тамғанинг мавжудлиги товар кимга тегишли эканлиги шубҳага олинган баҳсли ҳолатларда муҳим ҳал қилувчи роль ўйнар эди. Товарни ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасида воситачи – савдогар пайдо бўлганида эса тамға маълум бир маънода сифатни кафолат белгиси бўлиб хизмат қила бошлади. Чунки савдогарлар товарни кўпинча ишлаб чиқарилган жойдан узоқроққа олиб кетар, усталарнинг доврўғи турлича эди. Харидорлар эса кўпроқ ўзларига таниқли бўлган усталарнинг товарларини хуш кўрар эдилар ва ушбу товарларни уларга таниш бўлган тамғалар бўйича танирдилар.

Инсон фаолиятининг яна бир тури бўлган бир-бирига турли хил пуллик хизматлар кўрсатиш жуда эрта пайдо бўлган. Бундай хизматларнинг энг кўп тарқалган тури – бу ётоқ жойи ва овқат билан таъминлаш эди. Ана шундай қилиб карвонсаройлар юзага келди, уларни бир-биридан фарқлаш учун эса карвонсаройларнинг хўжайинлари дарвозалари олдида узун ходани ўрнатганлар ва уларга уй жиҳозларидан биронтасини ёки меҳмонхона, ресторан, қовоқxonанинг номи туширилган пешлаваҳаларни маҳкамлаб қўйганлар.

Ушбу барча пешлаваҳалар, белгилар, тамгалар товар белгиларининг тимсоли ва маълум бир маънода аждодлари ҳисобланади.

Товар белгилари бу бир юридик ва жисмоний шахсларнинг товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг бир турдаги товарлари ва хизматларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган белгилардир.

Белгиларнинг эгаларига ўз товарлари ва хизматларини белгилаш учун мутлақ ҳуқуқ олиш имконияти тақдим этилади. Шунинг билан бозорда тadbиркорлик фаолиятини (ушбу сўзнинг кенг маъносиди) енгиллаштирувчи, реклама, жамоатчиликни хабардор қилиш, маҳсулотни жойлаштириш ва бошқаларни ичига олган ҳолда эсклюзив коммуникация воситаси қўлга киритилади. Ҳуқуқ эгаси маҳсулотни сотиш бўйича унинг ҳаракатлари бекорга кетмаслигига ишончи комил бўлиши мумкин, чунки белги товарни унинг ишлаб чиқарувчиси билан боғлаган ва унга машҳурлик келтирувчи «сигнал коди» родини ўтайди. Шу тарзда ахборотни узатишнинг ўзига хос канали яратилади ва унга мувофиқ истеъмолчида аниқ бир товар ёки хизмат ҳамда тегишли белгилар ўртасидаги боғлиқ тасаввурлар юзага келади.

Турли белгилар фақатгина улар ҳуқуқат томонидан ваколат берилган давлат идорасида махсус рўйхатдан ўтказилганидан сўнг товар белгилари

бўлиб қолади. Ўзбекистонда бундай идора бўлиб Давлат патент идораси ҳисобланади. У белгиларни товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун талабномаларни олади, уларни экспертизадан ўтказиши ва муҳофаза ҳужжатларини беради.

Товар белгисини яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни қонун ҳужжатлари билан тартибга солиш бир қатор ҳужжатлар билан амалга оширилади.

Ушбу тўпламда товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солидиган қуйидаги асосий ҳужжатлар чоп этилган:

«Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори;

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кўчирма);

Ўзбекистон Республикасида товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини муҳофаза қилиш ва улар билан ишлашнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий асосларини ва тартибини белгилаб берадиган «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиладиган талабнома ҳужжатларига талабларни ва ушбу талабномаларнинг Давлат патент идораси томонидан экспертизадан ўтказилишини амалга ошириш бўйича ҳуқуқий жиҳатдан аҳамиятли бўлган амалларни ўтказиш тартибини ўрнатадиган «Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари»;

«Патент божлари тўғрисидаги низомни ва патент божлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 октябрдаги 357-сон Қарори;

Патент божлари тўғрисида Низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 октябрдаги 357-сон қарорига 1-илова);

Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларига ҳуқуқий муҳофаза бериш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 октябрдаги 357-сон Қарорига 2-илловасидан олинган патент божлари ставкаларидан кўчирма.

Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини муваффақиятли рўйхатдан ўтказиш учун талабнома ҳужжатларини тўғри тузиш катта аҳамият касб этади.

Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома топширилиши, экспертиза ўтказилиши, муҳофаза ҳужжатларини берилиши ва берилган гувоҳномани амалда сақлаб туриш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга ошириш учун патент божлари ундирилади. Амалга оширилганлиги учун патент божлари унди-

риладиган ҳаракатларнинг рўйхати «Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларига ҳуқуқий муҳофаза бериш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 октябрдаги 357-сон Қарорига 2-иловасидан олинган патент божлари ставкаларидан кўчирма»да баён қилинган.

Нашр қилинган ҳужжатлар саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича қонун ҳужжатларини ривожлантиришда янги босқични ифодалайди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

### «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси ҳукумат қарорларини «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилин:

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган "Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисидаги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №6, 244-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №6, 245 - модда);

Ўзбекистон Республикасиниш 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, №3, 38-модда) VII бўлими;

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, №1-2, 23-модда) I бўлимининг 5-банди.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри  
2001 йил 30 август

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**

**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (кўчирма)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин:

**XV. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган**

«Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 178-модда) 33-моддаси:

биринчи қисмининг иккинчи жумласидаги «унинг ушбу Қонунда назарда тутилган вазифаларни бажаришга доир харажатларини қоплаш учун» сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод қилиш, тўловларнинг миқдорини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш асослари, шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2002 йил 30 август,  
№ 405-П

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**

### **«Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»**

#### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонун товар белгиларидан, хизмат кўрсатиш белгиларидан ва товар келиб чиққан жой номларидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.

#### **2-модда. Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### **3-модда. Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси**

Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси (бундан буён матнда – «товар белгиси» деб юритилади) бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини (бундан буён матнда «товарлар» деб юритилади) бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир.

Товар белгилари якка тартибдаги ва жамоавий бўлиши мумкин.

Алоҳида юридик ёки жисмоний шахсга тегишли товар белгиси якка тартибдаги белги ҳисобланади.

Юридик ва (ёки) жисмоний шахслар бирлашмасининг улар томонидан ишлаб чиқариладиган ва (ёки) реализация қилинадиган бир хил сифатга ёки бошқа умумий тавсифларга эга бўлган товарларини белгилаш учун мўлжалланган товар белгиси жамоавий белги ҳисобланади.

Тасвирлар, сўзлар, муайян шакл тарзидаги белгилар ва бошқа белгилар ёки уларнинг исталган бир рангдаги ёки турли рангдаги жамлама ифодаси товар белгилари сифатида рўхатдан ўтказилиши мумкин.

#### **4-модда. Товар белгисини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш**

Товар белгиси ҳуқуқий жиҳатдан уни ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатидан ўтказиш асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ равишда муҳофаза қилинади.



Товар белгиси тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

### **5-модда. Товар келиб чиққан жой номи**

Мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жўғрофий объектнинг (бундан буён матнда «жўғрофий объект» деб юритилади) товарни белгилаш учун ишлатиладиган, унинг алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий объектга хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган номи товар келиб чиққан жой номи деб эътироф этилади.

### **6-модда. Товар келиб чиққан жой номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш**

Товар келиб чиққан жой номи ҳуқуқий жиҳатдан уни ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатидан ўтказиш асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ равишда муҳофаза қилинади.

Товар келиб чиққан жой номи мазкур жўғрофий объектдаги, номи ўзлари ишлаб чиқараётган товарни белгилаш учун ишлатиладиган бир ёки бир неча юридик ёки жисмоний шахс томонидан рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказган шахс бу номдан, башарти мазкур шахс алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий объектга хос табиий шароитлар ёки бошқа омиллар билан ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган товарни ишлаб чиқараётган бўлса, фойдаланиш ҳуқуқини олади.

Ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи худди шу жўғрофий объектда жойлашган ва айнан шундай хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқараётган бошқа юридик ёки жисмоний шахсга ҳам берилиши мумкин.

### **7-модда. Ваколатли давлат органи**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат патент идораси (бундан буён матнда «Патент идораси» деб юритилади) товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Патент идораси:

товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашади;

товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатта олишга доир талабномаларни кўриб чиқиш учун қабул қилади, улар юзасидан давлат экспертизасини ўтказиши;

товар белгиларини, товар келиб чиққан жой номларини ва товар келиб чиққан жой номларидан фойдаланиш ҳуқуқини, товар белгиларига доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказишни амалга оширади;

Товар белгилари давлат реестрини ва Товар келиб чиққан жой номлари давлат реестрини (бундан буён матнда «реестр» деб юритилади) юритади;

товар белгиси учун гувоҳнома ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беради;

товар белгилари рўйхатга олинганлиги ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи берилганлиги тўғрисида расмий маълумотларни эълон қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **8-модда. Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатга олиш учун талабнома бериш**

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома юридик ёки жисмоний шахс тамонидан (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) Патент идорасига берилади.

Жамоавий белгини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома юридик ва(ёки) жисмоний шахслар бирлашмаси номидан бирлашма қатнашчиларининг жамоавий белгидан фойдаланиш тўғрисидаги келишувига мувофиқ берилади.

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берилган сана мазкур талабнома Патент идорасига келиб тушган санага қараб белгиланади.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома, агар унда бир неча товар кўрсатилган бўлса, талабнома берувчининг илтимосномасига кўра дастлабки талабнома берилган сана сақланган ҳолда икки ёки бир неча талабномага ажратилиши мумкин.

### **9-модда. Товар белгисини ва товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун бериладиган талабномага доир талаблар**

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун бериладиган талабнома бир товар белгисига ёки товар келиб чиққан бир жой номига таалуқли бўлиши лозим.

Талабномада қуйдагилар бўлиши керак:

товар белгиси сифатида белгини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза;

талабномада кўрсатилган белгининг тасвири;

белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифига мувофиқ гуруҳланган, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарларнинг рўйхати;

товар ишлаб чиқарилган жойни жўғрофий объект чегарасида кўрсатган ҳолда товар келиб чиққан жой номини ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товар турининг номи ҳамда унинг алоҳида хусусиятлари тавсифи.

Талабномага қуйидагилар илова қилиниши зарур:

талабнома берганлик учун патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

талабнома патент вакили орқали берилган тақдирда талабнома берувчининг ишончномаси;

талабнома берувчининг зикр этилган жўғрофий объектда жойлашганлигини ва алоҳида хусусиятлари мазкур жўғрофий объектга хос табиий шароитлар ёки бошқа омиллар билан ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан боғлиқ товар ишлаб чиқаришини тасдиқловчи ҳужжатлар;

чет эллик талабнома берувчининг товар келиб чиққан жойнинг талабномада ифодаланган номидан товар келиб чиққан мамлакатда фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани расмийлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатларга тааллуқли талабалар Патент идораси томонидан белгиланади.

### **10-модда. Товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар**

Қуйидагилар товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

1) давлат герблари, байроқлари ва давлат мукофотларининг тасвири туширилган белгилар;

2) давлатларнинг расмий номлари, халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ номлари;

3) расмий назорат, кафолат тамгалари ва намуна йўсинидаги тамгалар, муҳрлар;

4) давлат хизматларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ажратиш ва фарқлаш белгилари тасвирлари;

5) фарқлаш хусусиятига эга бўлмаган белгилар;

6) муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар;

7) умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар ҳисобланган белгилар;

8) товарларни, шу жумладан уларнинг тури, сифати, сони, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги ва қийматини шунингдек уларнинг иш-

лаб чиқариладиган ёки ўтказиладиган жойи ва вақтини тавсифлаш учун фойдаланиладиган белгилар;

9) товар ёки унинг тайёрловчиси хусусидаги ёлгон ёки истеъмолчини жалғитиши мумкин бўлган белгилар;

10) товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар;

11) маъданли сувлар, вино ёки кучли спиртли ичимликларнинг аслиятини ақс эттирувчи жўғрофий номлар бўлган ёки шундай номларни ифодаловчи белгилар, мазкур жойда чиқарилмаган товарларни белгилаш учун ишлатилган белгилар, шунингдек, башарти улар таржима қилиб ёки «кўринишдаги», «турдаги», «усулдаги» ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар билан қўшилган ҳолда қўлланилса;

12) жамият манфаатларига, одабийлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар;

13) қуйидаги белгилар:

илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки шу турдаги товарларга нисбатан анча илгарироқ усворликка эга бўлган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

ҳар қандай товарларга нисбатан бошқа шахсларнинг белгиланган тартибда умум эътироф этилган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

ушбу Қонунга мувофиқ муҳофаза қилинадиган товар келиб чиққан жой номи бўлган белгилар билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар, бу белгилар ҳар қандай товарларга нисбатан шундай номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиладиган товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисм сифатида киритилган ҳоллар бундан мустасно;

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сертификатлаш белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар.

14) Қуйидаги белгилар:

ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таниқли бўлган фирма номларини (ёки уларнинг бир қисмини), агар бу номга бўлган ҳуқуқ бир турдаги товарларни белгилаш учун товар белгисига доир талабнома келиб туриши санасидан аввалроқ олинган бўлса, такрорловчи белгилар;

саноат намуналарини, агар уларга бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга тегишли бўлса, такрорловчи белгилар;

Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини, уларнинг қаҳрамонларини ёки ибораларини,

санъат асарларини ёки улардан кўринишларни муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворислари (меросхўрлари) розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар;

атоқли шахсларнинг фамилиялари, исмлари, тахаллуслари ва улардан ясалган сўзларини, бундай шахсларнинг портретларини ҳамда дастхатларини, башарти булар Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги бўлса, ана шу атоқли шахслар, уларнинг меросхўрлари ёки давлат органи розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1-4-бандларида кўрсатилган белгилар, агар бунга тегишли давлат органининг ёки белги эгасининг розилиги бўлса, товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисмлар сифатида киритилиши мумкин, ушбу модда биринчи қисмининг 5-8-бандларида кўрсатилган белгилар, агар улар товар белгисига устун мавқега эга бўлмаса, бу белгига муҳофаза қилинмайдиган қисмлар сифатида киритилиши мумкин.

Ушбу модда биринчи қисмининг 5-8-бандларида кўрсатилган белгиларни рўйхатдан ўтказишга, башарти бу белгилар амалда улардан фойдаланиш натижасида фарқланиш хусусиятига эга бўлган тақдирдагина, йўл қўйилиши мумкин.

Ушбу модда биринчи қисмининг 13-бандидаги иккинчи ва учинчи хатбошиларда кўрсатилган товар белгиси билан адаштириб юбориш даражасида уларга айнан ўхшаш бўлган белгиларни рўйхатдан ўтказишга товар белгиси эгасининг бу белгини рўйхатга олиш учун розилиги бўлган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин.

### **11-модда. Товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар**

Қуйидаги белгилар товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

Товар келиб чиққан жой хусусида истеъмолчини чалғитиб қўядиган жўғрофий ном бўлган белгилар;

товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар;

товар тайёрланган жой номи билан боғлиқ бўлмаган жўғрофий номни англатувчи ва Ўзбекистон Республикасида муайян турдаги товар белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар.

### **12-модда. Товар белгисининг устуворлиги**

Товар белгисининг устуворлиги товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун Патент идорасига талабнома берилган санага қараб белгиланади.

Товар белгисининг устуворлиги товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун биринчи талабнома Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясига қўшилган давлатда берилган санага қараб, башарти шу санадан кейинги олти ой мобайнида Патент идорасига товар белгисини

рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тушган бўлса (конвенция устуворлиги) белгиланиши мумкин.

Саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясига қўшилган давлатлардан бирининг ҳудудида ташкил этилган расмий халқаро кўргазмаларнинг ёки расмий деб тан олинган шундай кўргазмаларнинг экспонатларига қўйилган товар белгисининг устуворлиги экспонат кўргазмада очиқ намойиш этила бошланган санага қараб (кўргазма устуворлиги), башарти шу санадан кейинги олти ой мобайнида Патент идорасига товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тушган бўлса, белгиланиши мумкин.

Конвенция ёки кўргазма устуворлиги ҳуқуқини сўраётган талабнома берувчи қўйилган талаб ҳаққоний эканлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда бу ҳақда товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани бераётганида ёки Патент идорасига талабнома тушганидан кейин икки ой мобайнида маълум қилиши шарт ёхуд бу ҳужжатларни товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тушган вақтдан эътиборан уч ойдан кечиктирмай Патент идорасига тақдим этиши лозим.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома икки ёки бир неча талабномага ажратилган тақдирда талабномаларнинг ҳар бири бўйича устуворлик дастлабки талабноманинг устуворлиги санасига қараб белгиланади.

**13-модда. Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш**

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш Патент идораси томонидан амалга оширилади ҳамда расмий экспертизадан ўтказишдан ва талабномада ифодаланган белгини экспертизадан ўтказишдан иборат бўлади.

Талабнома берувчи товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш даврида бу талабнома юзасидан қарор қабул қилингунига қадар ўз ташаббуси билан талабнома материалларини тузатиш, аниқлаштириш ёки талабнома моҳиятини ўзгартирмайдиган маълумотлар билан тўлдиришга ҳақли.

Давлат экспертизасини ўтказиш жараёнида қўшимча материалларсиз экспертиза ўтказиш мумкин бўлмаса, Патент идораси талабнома берувчидан бундай материалларни сўраб олишга ҳақли.

Давлат экспертизасининг сўровига биноан қўшимча материалларни талабнома берувчи сўров жўнатилган санадан эътиборан уч ой мобайнида тақдим этмоғи лозим. Талабнома берувчининг илтимосига кўра мазкур муддат кўпи билан олти ойга узайтирилиши мумкин.

Талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатлар талабнома берувчининг мазкур муддат тугагандан кейин кечи билан икки ой ичида берган илтимосномасига биноан Патент идораси томонидан тиклавиши мумкин.

**14-модда. Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани расмий экспертизадан ўтказиш**

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани расмий экспертизадан ўтказиш талабнома Патент идорасига берилган санадан этиборан ўттиз кунлик муддат ичида амалга оширилади.

Расмий экспертизадан ўтказиш жараёнида товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабноманинг мазмуни, зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги, шунингдек уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади. Талабнома берувчига расмий экспертиза натижаларига биноан Патент идорасининг талабномани кўриб чиқиш учун қабул қилиш тўғрисидаги ёҳуд қабул қилишни рад этиш ҳақидаги қарори маълум қилинади.

**15-модда. Талабномада ифодаланган белгини экспертизадан ўтказиш**

Талабномада ифодаланган белгини экспертизадан ўтказиш товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома кўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарорга мувофиқ, талабнома берилган санадан этиборан тўққиз ой мобайнида Патент идораси томонидан амалга оширилади.

Экспертизадан ўтказиш чоғида талабномада ифодаланган белгининг товар белгисини экспертиза қилишда ушбу Қонун 3-моддасининг биринчи қисми ҳамда 10-моддаси қоидаларига, товар келиб чиққан жой номини экспертиза қилиш ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришда эса, ушбу Қонуннинг 6 ва 11-моддалари қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Экспертиза натижаларига биноан Патент идораси товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва (ёки) ундан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисида ёҳуд уларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади, талабнома берувчи бу хусусда хабардор қилинади.

Патент идорасининг товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарори ушбу Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ санасига кўра устуворликка эга бўлган талабнома тушганлиги муносабати билан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

### **16-модда. Давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари устидан шикоят бериш**

Талабнома берувчи Давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари устидан Патент идорасининг Апелляция кенгашига (бундан кейин матнда «Апелляция кенгаши» деб юритилади) қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч ой мобайнида шикоят беришга ҳақли.

Давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари устидан Апелляция кенгашига шикоят бериш тартиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Талабнома берувчи Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой мобайнида судга шикоят беришга ҳақли.

### **17-модда. Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ёки бундай талабномани чақириб олиш**

Талабнома берувчи товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномадан уни кўриб чиқишнинг исталган босқичда бошқа шахс фойдасига воз кечиши ёки талабномани чақириб олиши мумкин, лекин бу тегишлича товар белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатдан ўтказиладиган санадан кечиктирмай амалга оширилиши лозим.

### **18-модда. Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатга олиш**

Патент идораси давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари асосида, патент божи тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат олинган санадан эътиборан бир ой мобайнида товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини тегишли реестрда рўйхатга олади.

Реестрга киритиладиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.



**19-модда. Рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотларни  
эълон қилиш**

Товар белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинади. Эълон қилинадиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

**20-модда. Товар белгисига доир гувоҳнома ва товар келиб  
чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома**

Товар белгисига доир гувоҳнома товар белгиси сифатида талабномада ифодаланган белги рўйхатдан ўтказилганлиги фактини, товар белгисининг устуворлигини ва товар эгасининг гувоҳномада кўрсатилган товарларга нисбатан товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома товар келиб чиққан жой номи сифатида талабномада ифодаланган белги рўйхатдан ўтказилганлиги фактини ва гувоҳнома эгасининг ундан гувоҳномада кўрсатилган товар турига нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

Товар белгисига доир гувоҳнома ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома товар белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тегишли реестрда рўйхатга олингандан кейин сўнг бир ой давомида Патент идораси томонидан берилади. Гувоҳномалар шакли ва уларда кўрсатилган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

**21-модда. Товар белгисига доир гувоҳноманинг ҳамда товар  
келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги  
гувоҳноманинг амал қилиш муддати**

Товар белгисига доир гувоҳнома ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома талабнома берилган санадан эътиборан ўн йил мобайнида амал қилади.

**22-модда. Товар белгисига доир гувоҳноманинг ҳамда товар  
келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги  
гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш**

Товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати гувоҳнома амал қилаётган охириги йил мобайнида унинг эгаси томонидан берилган аризага биноан ҳар сафар ўн йилга узайтирилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган аризага қуйидагилар илова қилиниши лозим:

патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

патент вакили орқали ариза берилган тақдирда талабнома берувчининг ишончномаси;

товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс мазкур жўғрофий объектда эканлигини ва гувоҳномада кўрсатилган хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқарилаётганлигини тасдиқловчи ҳужжат

Товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиққан жойи номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги ёзув тегишли реестрга киритилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган аризани бериш муддати гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагандан кейин олти ой мобайнида гувоҳнома эгаси берган илтимосномага биноан узайтирилиши мумкин.

### **23-модда. Товар белгисига доир гувоҳномага ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномага ўзгартиришлар киритиш**

Товар белгисининг эгаси ёки товар келиб чиққан жойи номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг эгаси Патент идорасини ўз номи, фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганлиги тўғрисида, товар белгиси ёки товар келиб чиққан жойи номини рўйхатдан ўтказишга тааллуқли бошқа ўзгартиришлар тўғрисида, товар белгиси учун эса – товар белгиси олинган товарларнинг рўйхати қисқартирилганлиги, товар белгисининг айрим қисмлари унинг моҳиятини бузмайдиган тарзда ўзгартирилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

Ушбу ўзгартиришлар тўғрисидаги ёзув Патент идораси томонидан товар белгисига доир гувоҳномага ёки товар келиб чиққан жойи номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномага ва тегишли реестрга киритилади.

### **24-модда. Товар белгисига доир гувоҳномани ёки товар келиб чиққан жойи номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш**

Товар белгисига доир гувоҳнома унинг бутун амал қилиш муддати давомида, башарти у ушбу Қонуннинг 4-моддаси иккинчи қисмида ва 10-моддаси биринчи қисмининг 1-12-бандларида белгиланган талабларни бузган ҳолда берилган бўлса ёки товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар расмий ахборотномада эълон қилинган санадан эътиборан беш йил мобайнида, башарти у ушбу Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмининг 13 ва 14-бандларида белгиланган талабларни бузган ҳолда берилган бўлса, тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома унинг амал қилишининг бутун муддати давомида, башарти у ушбу Қонунда белгиланган талабларни бузган ҳолда берилган бўлса, ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

**25-модда. Товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказилганлигининг бекор қилиниши, товар белгисига доир гувоҳнома ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома амал қилишининг тугатилиши**

Товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказилганлиги қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

мазкур жўғрофий объект учун хос бўлган шароитлар йўқолганда ва реестрда кўрсатилган хусусиятларига эга бўлган товар ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмаганда;

чет эллик юридик ёки жисмоний шахслар товар келиб чиққан мамлакатда товар келиб чиққан шу жой номига доир ҳуқуқларини йўқотганда.

Товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши унинг амал қилиш муддати тугаганлиги муносабати билан тугатилади.

Товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши товар белгиси рўйхатдан ўтказилади санадан эътиборан исталган беш йил мобайнида ундан узлуксиз равишда фойдаланилмаганда, шунингдек жамоавий белгидан фойдаланиш тўғрисидаги келишув бузилган тақдирда манфаатдор шахснинг аризасига биноан қабул қилинган суд қарори асосида муддатдан олдин тўлиқ ёки қисман тугатилиши мумкин. Товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилишини ундан фойдаланилмаганлиги муносабати билан муддатдан олдин тугатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилаётганда товар белгисининг эгаси томонидан тақдим этилган унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра товар белгисидан фойдаланилмаганлигини исботловчи далиллар эътиборга олиниши мумкин.

Товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши:

Апелляция кенгаши қарори асосида;

Товар белгиси эгасининг ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома эгасининг Патент идорасига берган аризаси асосида;

суд қарори асосида муддатидан илгари тугатилади.

**26-модда. Товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ**

Товар белгисининг эгаси товар белгисидан фойдаланиш ва уни тасаруф этиш мутлақ ҳуқуқига эга.

Товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ гувоҳномада кўрсатилган товарларга нисбатан амал қилади ва Патент идорасининг расмий ахборотномасида

эълон қилинган санадан эътиборан рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиши даври мобайнида амалга оширилади.

Товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога тақлиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлаш, ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш деб эътироф этилади.

### **27-модда. Товар белгисидан фойдаланиш**

Товар белгиси уни ишлатиш учун рўйхатга олинган товарларда ва (ёки) уларнинг идиши ҳамда ўровида товар белгисининг эгаси томонидан ёки ушбу Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ лицензия шартномаси асосида бундай ҳуқуқ берилган шахс томонидан қўлланилиши товар белгисидан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Товар белгисини рекламада, босма нашрларда, расмий бланкаларда, пешлавҳаларда, Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган кўргазмалар ва ярмаркаларда экспонатларни намойиш этиш вақтида ишлатиш ҳам товар белгисидан фойдаланиш деб эътироф этилиши мумкин.

Воситачилик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар товарларни тайёрловчининг товар белгиси билан бир қаторда шартнома асосида ўз товар белгисидан ҳам фойдаланиши мумкин.

### **28-модда. Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш**

Товар келиб чиққан жой номини товарда, унинг идиши ҳамда ўровида, пешлавҳаларда, расмий бланкаларда, рекламада, босма нашрларда ва товарни фуқаро муомаласига киритиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда ишлатиш товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Лицензия шарномаси асосида: товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини, бошқа шахсга беришга, бундай ҳуқуқдан бошқа шахслар фойдасига воз кечиш тўғрисида битимлар тузишга ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришга йўл қўйилмайди.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаси бўлмаган шахсларнинг товар келиб чиққан жойнинг рўйхатдан ўтказилган номидан фойдаланишга, ҳатто башарти бунда товар келиб чиққан жойнинг ҳақиқий номи кўрсатилган ёки ном таржима қилиб ёхуд «кўринишдаги», «турдаги», «сусулдаги» ва шунга ўхшаш сўзларни қўшиб қўлланилган тақдирда ҳам, шунингдек ҳар қандай товар келиб чиққан жой номи ва товарнинг алоҳида хусусиятлари хусусида истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган ўхшаш белгилардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

## 29-модда. Огоҳлантирувчи тамғалаш

Товар белгисининг эгаси ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг эгаси товар белгиси ёки товар келиб чиққан жой номи билан бир қаторда товарда ёки унинг идиши ҳамда ўровида қўлланилган белги Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган товар белгиси ёки товар келиб чиққан жой номи эканлигини билдирувчи лотин алифбосидаги «R» ёки айлана ичига олинган «®» ҳарфи тарзида огоҳлантирувчи тамга қўйиши мумкин.

## 30-модда. Товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш

Товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ бу ҳуқуқнинг эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

Товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказишга, башарти у истъомолчини Товар ёки унинг тайёрловчиси хусусида чалғитадиган бўлса, йўл қўйилмайди.

Товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи товар белгисининг эгаси (лицензиар томонидан лицензия шартномаси бўйича бошқа шахсга (лицензиатга) берилиши мумкин.

Лицензия шартномасида лицензиат товарларининг сифати лицензиар товарларининг сифатидан паст бўлмаслиги ҳақида шарт қўйилган бўлиши ва лицензиар бу шартнинг бажарилишини назорат қилиши кўрсатилиши лозим.

Товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома ёки лицензия шартномаси Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Жамоавий белги ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин эмас.

## 31-модда. Товар белгиси эгаси бўлмиш юридик шахсни қайта ташкил этиш пайтида товар белгисининг ўтиши

Товар белгиларининг эгалари бўлмиш юридик шахслар қўшиб юборилганда товар белгилари қайта рўйхатдан ўтказилган юридик шахсга ўтади.

Товар белгиси эгаси бўлмиш юридик шахс бўлинганда товар белгиси товарларни ишлаб чиқариш вазифаси зиммасига ўтадиган, қайта рўйхатдан ўтказилган юридик шахсга ўтади. Товар белгисининг эгаси товар белгиси рўйхатдан ўтказилган товарларни ишлаб чиқаришнинг бир қисмини ўзида сақлаб қолган тақдирда ҳар иккала юридик шахс ўзаро келишувига (шартномага) кўра товар белгисининг биргаликдаги эгаси деб эътироф этилиши мумкин. Бу ҳақдаги келишув (шартнома) Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Товар белгисининг эгаси бўлмиш юридик шахс бошқа юридик шахсга қўшиб олинганда товар белгисига доир ҳуқуқ қўшиб олган юридик шахсга ўтади.

### **32-модда. Товар белгисини такрорий рўйхатдан ўтказиш шартлари**

Гувоҳномасининг амал қилиш муддати ўтган товар белгиси товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши тутаган санадан эътиборан уч йил мобайнида бошқа шахс номига қайта рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас. Мазкур қонда товар белгисининг эгаси ундан товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугашига қадар воз кечган ҳолларга ҳам тадбиқ этилади.

### **33-модда. Патент божлари**

Товар белгиларини, товар келиб чиққан жой номини ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик учун патент божлари олинади. Патент божлари Патент идорасига унинг ушбу Қонунда назарда тутилган вазифаларни бажаришга доир харажатларини қоплаш учун тўланади.

Патент божларининг миқдорлари ва уларни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **34-модда. Патент вакиллари**

Патент вакили Патент идорасида юридик ва жисмоний шахсларнинг вакиллик ҳуқуқини амалга оширади.

Ўз мамлакати ҳудудида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси патент вакили бўлиши мумкин. Патент вакилларига қўйиладиган малака талаблари, уларни аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшовчи жисмоний шахслар ёки чет эллик юридик шахслар товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш ишларини юритишни ҳамда бу ишлар билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни Патент идорасида рўйхатдан ўтган патент вакиллари орқали амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, лекин вақтинчалик унинг ҳудудидан ташқарида бўлган жисмоний шахслар товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш ишларини ва бу ишлар билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни ёзишма учун Ўзбекистон Республикаси доирасидаги манзилни кўрсатган ҳолда патент вакилисиз амалга оширишлари мумкин.

Патент вакилининг ваколатлари ишончнома билан тасдиқланади.

**35-модда. Товар белгисини ва товар келиб чиққан жой номини бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказиш**

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари товар белгисини ёки товар келиб чиққан жой номини бошқа давлатларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишга ҳақли.

**36-модда. Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари**

Чет эллик юридик ва жисмоний шахслар ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан тенг равишда ёки ўзаро келишув принципи асосида фойдаланадилар.

**37-модда. Низоларни ҳал этиш**

Товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**38-модда. Товар белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Товар белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри  
2001 йил 30 август

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлигида  
2002 йил 1 ноябрда  
1184-сон билан  
рўйхатга олинган

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат патент идораси  
директорининг  
2002 йил 11 октябрдаги  
51 – сон буйруғи билан  
тасдиқланган

## **ТОВАР БЕЛГИСИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЕЛГИСИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ УЧУН ТАЛАБНОМА ТУЗИШ, ТОПШИРИШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур «Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари» (матнда бундан кейин-Қоидалар), Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш тартибини белгилаб беради.

### **Қисқартиришлар рўйхати**

**Қонун** - Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонуни.

**Патент идораси** - Ўзбекистон Республикаси патент идораси.

**Апелляция кенгаши** - Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг Апелляция кенгаши.

**Товар белгиси** - товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси.

**Талабнома** - товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома.

**Париж конвенцияси** - Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясининг Ўзбекистон Республикаси учун амал қиладиган тахрири.

**ТХХК** - товар ва хизматларнинг халқаро классификацияси.

**Товарлар** - товар ва хизматлар



# **I боб. Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш ва топшириш. Талабнома топшириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар**

## **1-§. Товар белгисини рўйхатдан ўтказишга талабнома**

1. Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ товар белгиси - бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларининг бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгидир.

2. Юридик ва(ёки) жисмоний шахслар бирлашмасининг улар томонидан ишлаб чиқариладиган ва(ёки) реализация қилинадиган бир хил сифатга ёки бошқа умумий тавсифларга эга бўлган товарларини белгилаш учун мўлжалланган товар белгиси жамоавий белги ҳисобланади.

3. Қонуннинг 3-моддаси бешинчи қисмига кўра тасвирилар, сўзлар, муайян шакл тарзидаги белгилар ва бошқа белгилар уларнинг исталган бир рангдаги ёки турли рангдаги жамлама ифодаси товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Сўзли белгиларга сўзлар, суз бирикмалари, гаплар, бошқа сўз бириклари ва шунингдек уларнинг бирикмалари киради.

Тасвирий белгиларга жонли мавжудотлар, предметлар, табиий ва бошқа объектлар, ва шунингдек исталган шаклдаги фигуралар, чизиқлар, доғлар, тексисликдаги шакллар композициялари киради.

Муайян шаклли ҳажмли белгиларга уч ўлчамли объектлар, фигуралар ва чизиқлар, фигураларнинг комбинациялари киради.

Жамлама белгиларга турли характердаги яъни тасвирий, сўзли, муайян шаклдаги ҳажмли ва бошқа белгилар элементларидан ташкил топган белгилар киради.

Бошқа белгиларга рақамли, ҳарфли, товушли, ёруғликдан иборат бўлган, ҳидли ва бошқа белгилар киради.

Рақамли белгилар сифатида рақамларнинг комбинациясидан иборат бўлган белгиларга талабнома берилиши мумкин.

Ҳарфли белгилар сифатида ҳарфларнинг сўз характерига ва мазмунга эга бўлмаган комбинациясига талабнома берилиши мумкин.

Товушли белгилар сифатида мусиқа асарлари, кўшиқлар, жўр овозлар, таниш товушлар ва табиатда учрайдиган ноёб товушлар, табиатда учрамайдиган электрон товушлар ва бошқаларга талабнома берилиши мумкин.

Ёруғликдан иборат белгилар сифатида ёруғлик эффеќтидан ҳосил бўлган белгиларга талабнома берилиши мумкин.

Ҳидли белгиларга ҳид сезиш органлари билан қабул қилишга мўлжалланган белгилар киради.

Белгиларнинг исталган бир рангдаги ёки турли рангдаги уйғунлашган ифодаси товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

4. Қуйидагилар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

а) давлат герблари, байроқлари ва давлат мукофотларининг тасвири туширилган белгилар;

б) давлатларнинг расмий номлари, халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ номлари;

в) расмий назорат, кафолат тамгалари ва намуна йўсинидаги тамгалар, муҳрлар;

г) давлат хизматларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ажратиш ва фарқлаш белгилари тасвирлари.

Ушбу банднинг (а)-(г) бандчаларида кўрсатилган белгилар, агар бунга тегишли давлат органининг ёки белги эгасининг розилиги бўлса, товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисмлар сифатида киритилиши мумкин.

д) хусусан қуйидагилар таалуқли бўлиши мумкин бўлган фарқлаш хусусиятига эга бўлмаган белгилар:

1) ўзига хос график тасвирга эга бўлмаган алоҳида ҳарфлар, рақамлардан иборат бўлган белгилар;

2) чизиқлар, оддий геометрик фигуралар ва уларнинг таркибига кирган алоҳида элементларидан фарқли, сифат жиҳатдан бошқа қабул қилиш даражасини берадиган композициялар ҳосил қилмайдиган бирикмалари;

3) товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишга топширилган талабномадаги товарларни белгилаш учун уларнинг ҳақиқий ёки схематик тасвирлари;

4) шакли фақат функционал вазифасидан келиб чиқадиган уч ўлчамли объектлар;

5) товарларнинг умум эътироф этилган оддий номлари шу товарларни белгилаш учун;

б) ташкилот корхона ва соҳаларнинг умумқабул қилинган қисқартирилган номлари ва уларнинг аббревиатуралари;

е) муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар. Бундай белгилар деб маълум бир товар ёки турли ишлаб чиқарувчиларнинг шунга ўхшаш товарлари учун узоқ вақт ишлатилганлиги туфайли тушунча (видовое понятие) бўлиб қолган белгилар тушунилади;

ж) умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар ҳисобланган белгилар. Бундай белгиларга одатда, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарлар рўйхатидаги товарлар оид бўлган хўжалик ёки фаолият соҳасини акс эттирувчи белгилар, ва шунингдек, фан ва техникада қўлланиладиган шартли белгилар киради. Умум эътироф этилган атамаларга фан ва техниканинг аниқ бир соҳасига хос бўлган сўз бирликлари киради;

з) товарларни, шу жумладан уларнинг тури, сифати, сони, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги ва қийматини шунингдек уларнинг ишлаб чиқариладиган ёки ўтказиладиган жойи ва вақтини тавсифлаш учун фойдаланиладиган белгилар.

ушбу банднинг (з) бандчасида кўрсатилган белгиларга товарларнинг оддий номлари, товарлар сифат тоифасининг белгиси, товарларнинг хусусиятини кўрсатувчи (шу жумладан, мақтов характериغا эга бўлган) белгилар, хом ашё материалли ва таркибини кўрсатувчи белгилар, товарларнинг оғирлиги, ҳажми, нархини, ишлаб чиқарилган санасини кўрсатувчи белгилар, умумий (видовые) номлар, ишлаб чиқаришни яратиш тарихидан маълумотлар, корхоналарнинг номлари, товар тайёрловчиларнинг ва воситачи фирмаларнинг манзилгоҳлари, қисман ёки тўлиқ жўғрофий номдан иборат бўлиб, товар тайёрловчининг жойлашган жойи каби қабул қилиниши мумкин бўлган белгилар.

Ушбу банднинг (д)-(з) бандчаларида кўрсатилган белгиларни рўйхатдан ўтказишга, башарти бу белгилар амалда улардан фойдаланиш натижасида фарқланиш хусусиятига эга бўлганлиги исботланган тақдирдагина, йўл қўйилиши мумкин.

Исбот сифатида талабнома топширилган санагача талабномада кўрсатилган белгидан фойдаланилганлиги натижасида фарқланиш хусусиятига эга бўлганлигини тасдиқлайдиган қуйидаги маълумотлар тақдим этилади:

талабномада кўрсатилган белги билан белгиланган товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми;

талабномада кўрсатилган талабнома берилган белгини талабномада кўрсатилган товар(хизмат)ларни белгилаш учун ишлатиш муддати;

талабномада кўрсатилган белги билан белгиланган товар(хизмат)ларнинг рекламаси учун сарфланадиган харажатлар ҳажми;

талабномада кўрсатилган белги ва шу белги билан белгиланган товарларнинг ишлаб чиқарувчилари ҳақида истеъмолчиларнинг хабардорлик даражаси тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан социологик сўровларнинг натижалари;

талабномада кўрсатилган белги билан белгиланган товарлар ҳақидаги ахборот очиқ матбуотда нашр қилинганлиги тўғрисида маълумотлар;

талабномада кўрсатилган белги билан белгиланган товарлар Ўзбекистон Республикаси ёки чет мамлакатлардаги кўргазмаларда намоён қилинганлиги тўғрисида маълумотлар;

ва бошқа маълумотлар;

и) товар ёки унинг тайёрловчиси хусусидаги ёлгон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар, уларга хусусан, истеъмолчининг онгида товарнинг ҳақиқатга тўғри келмаган маълум бир сифати, унинг тайёрловчиси ёки келиб чиққан жойи ҳақида тасаввур ҳосил қиладиган белгилар киради. Белгининг камида битта элементи ёлгон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлса, белги ёлгон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин деб эътироф этилади;

к) товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар;

л) маъданли сувлар, вино ёки кучли спиртли ичимликларнинг аслиятини акс эттирувчи жўгрофий номлар бўлган ёки шундай номларни ифодаловчи белгилар, мазкур жойда чиқарилмаган товарларни белгилаш учун ишлатилган белгилар, шунингдек, башарти улар таржима қилиб ёки «кўринишдаги», «турдаги», «усулдаги» ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар билан қўшилган ҳолда қўлланилса;

м) жамият манфаатларига, одамийлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар, уларга хусусан, диний нишон ва рамзлар, ахлоқсиз мазмундаги сўз ва тасвирлар, инсон қадрини, диний ҳиссиётларни ҳақорат қиладиган инсонпарварликка зид характердаги шиорлар ва ҳ.к.;

н) қуйидаги белгилар билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар:

1) илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки шу турдаги товарларга нисбатан анча илгарироқ устуворликка эга бўлган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

2) ҳар қандай товарларга нисбатан бошқа шахсларнинг белгиланган тартибда умум эътироф этилган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

3) ушбу Қонунга мувофиқ муҳофаза қилинадиган товар келиб чиққан жой номи бўлган белгилар билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар, бу белгилар ҳар қандай товарларга нисбатан шундай номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиладиган товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисм сифатида киритилган ҳоллар бундан мустасно;

4) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сертификатлаш белгилари.

Ушбу банднинг (и) бандчаси иккинчи, учинчи хатбошиларида кўрсатилган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгиларни рўйхатдан ўтказишга товар белгиси эгасининг бу белгини рўйхатта олиш учун розилиги бўлган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин. Бу ҳолда розилик хатининг асли тақдим қилинади. Розилик хати «катта» белги эгаси бўлган компаниянинг фирма бланкасида расмийлаштирилади ва қуйидаги бандлардан иборат бўлади:

розилик берган товар белгиси эгасининг тўлиқ номи ва манзилгоҳи;

розилик олган шахснинг тўлиқ номи ва манзилгоҳи;

ўхшаш товар белгиси эгасининг имзоси, лавозими ва фамилиясини

кўрсатган ҳолда;

эгаси розилик берган товар белгисининг тасвири;

розилик олиб талабнома топширилаётган белгининг тасвири;

розилик берилган товарлар ва/ёки хизматлар рўйхати;

розилик хати берилган сана, ушбу санасиз хат ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

о) Куйидаги белгилар:

1) ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида танikli бўлган фирма номларини (ёки уларнинг бир қисмини), агар бу номга бўлган ҳуқуқ бир турдаги товарларни белгилаш учун товар белгисига доир талабнома келиб тушиш санасидан аввалроқ олинган бўлса, такрорловчи белгилар;

2) саноат намуналарини такрорловчи белгилар, агар уларга бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга тегишли бўлса;

3) Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини, уларнинг қаҳрамонларини ёки ибораларини, санъат асарларини ёки улардан кўринишларни муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворислари (меросхўрлари) розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар;

4) атоқли шахсларнинг фамилиялари, исмлари, тахаллуслари ва улардан ясалган сўзларини, бундай шахсларнинг портретларини ҳамда дастхатларини, башарти булар Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги бўлса, ана шу атоқли шахслар, уларнинг меросхўрлари ёки давлат органи розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар.

Ушбу банднинг (о) бандчасида кўрсатилган маълум ва машҳурлик товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишга тақдим этилган белгининг устуворлик санасига нисбатан аниқланади.

5. Қонуннинг 9-моддаси, биринчи қисмига мувофиқ талабнома битта товар белгисига тегишли бўлиши лозим.

6. Талабномада куйидагилар бўлиши керак:

а) товар белгиси сифатида белгини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза;

б) талабномада кўрсатилган белгининг тасвири;

в) белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифига мувофиқ гуруҳланган, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарларнинг рўйхати.

7. Талабномага талабномани топшириш учун патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли ёки банк муассаси ёхуд бухгалтерия томонидан тасдиқланган нусхаси илова қилиниши лозим.

8. Агар талабнома жамоавий белгига оид бўлса, ҳуқуқий ва/ёки жисмоний шахслар бирлашмаси қатнашчиларининг жамоавий белгидан фойдаланиш тўғрисидаги келишуви илова қилинади.

Келишувда куйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

а) жамоавий белгини ўзининг номига рўйхатдан ўтказишга ваколат берилган шахснинг номи;

б) ушбу белгидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати (тўлиқ расмий номи ва манзилгоҳини кўрсатган ҳолда);

- в) жамоавий белгини рўйхатдан ўтказиш мақсади;
- г) жамоавий белги билан белгиланадиган товарларнинг рўйхати ва ягона сифат ёки бошқа умумий кўрсаткичлари;
- д) жамоавий белгидан фойдаланиш шартлари;
- е) жамоавий белгидан фойдаланишни назорат қилиш тартиби;
- ж) келишувни бузганлик учун жавобгарлик.

Келишув ушбу белгидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан имзоланади (ҳуқуқий шахслар учун муҳр билан тасдиқланади). Имзо чеккан шахсларнинг фамилияси ва исми-шарифи кўрсатилади.

9. Талабнома патент вакили орқали берилган бўлса, талабнома берувчи томонидан берилган ва унинг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома, ёки унинг тўғри расмийлаштирилган нусхаси илова қилинади.

Ўзбекистон Республикасида Патент идораси олдида вакиллик қилиш учун расмийлаштириладиган ишончнома, оддий ёзма шаклда тузилади ва нотариус томонидан тасдиқланиши талаб этилмайди. Ишончнома талабнома билан бир вақтнинг ўзида ёки талабнома келиб тушган санадан икки ойдан кечиктирилмай топширилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшовчи жисмоний шахснинг ёки чет эллик юридик шахснинг манфаатларига вакиллик қилиш учун патент идорасида рўйхатдан ўтказилган патент вакилига ишончнома, талабнома берувчи шахснинг ўзи томонидан, шунингдек талабнома берувчи томонидан берилган тегишли ишончномага эга патент вакили томонидан ҳам берилиши мумкин. Бундай ҳолларда кўрсатиб ўтилган иккала ишончнома ёки унинг тўғри расмийлаштирилган нусхаси илова қилинади.

Агар ишончнома Патент идорасида рўйхатдан ўтказилган бир неча патент вакилларига берилган бўлса, у ҳолда талабнома бўйича маҳсулот белгисини рўйхатдан ўтказиш бўйича ишлар, уларнинг исталган бири томонидан олиб борилиши мумкин.

Ишончнома бўйича вакил қилинган патент вакилининг ҳар қандай ҳатти-ҳаракати, ариза берувчининг ҳатти-ҳаракатидир деб баҳоланади.

10. Конвенция устуворлиги сўраб берилган талабномага (бундан буён-конвенция талабномаси) талабнома берувчи томонидан саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси қатнашчиси бўлган давлатда берилган биринчи талабноманинг тасдиқланган нусхаси ва унинг ўзбек ёки рус тилига қилинган таржимаси илова қилинади, улар конвенция талабномаси Патент идорасига келиб тушган санадан бошлаб уч ой муддатдан кечиктирилмай топширилади. Талабнома нусхасининг таржимаси таржимон имзоси билан тасдиқланади.

Конвенция устуворлигини белгилаш тўғрисидаги илтимоснома, талабнома бериш пайтида (гувоҳнома бериш тўғрисидаги аризанинг тегишли графасида келтирилади) ёки Патент идорасига талабнома келиб тушган санадан бошлаб икки ой муддат давомида топширилиши мумкин.

11. Кўرғазмага оид устуворлик сўраб берилган талабномага, бундай устуворлик сўрашнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжат илова этилади, у

Патент идорасига талабнома келиб тушган санадан бошлаб уч ойдан кечиктирилмай топширилади.

Талабнома берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжат, саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясининг қатнашчиси бўлган давлатлардан бирининг ҳудудида ташкил этилган кўргазманинг мақомини, яъни расмий халқаро кўргазма ёки халқаро деб расман тан олинган кўргазмалигини тасдиқлаши ва товарларни намойиш этган шахснинг номини, белгини, шу белги қўйилган товарлар рўйхатини, шунингдек, экспонатларни очиқ намойиш этиш бошланган санани уз ичига олиши лозим. Ҳужжат тегишли кўргазманинг маъмурияти ёки ташкилий қўмитаси томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

12. Талабномада кўрсатилган белгини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза ўзбек ёки рус тилида топширилади. Талабноманинг бошқа ҳужжатлари ўзбек, рус ёки бошқа тилда топширилади.

Агар талабнома ҳужжатлари бошқа тилда топширилган бўлса, талабномага уларнинг ўзбек ёки рус тилига таржимон имзоси билан тасдиқланган таржимаси илова қилинади. Бошқа тилда топширилган ҳужжатлар Патент идорасига келиб тушган санада топширилган деб ҳисобланади, агар уларнинг таржималари бошқа тилда топширилган ҳужжатлар келиб тушган санадан бошлаб икки ой муддат ичида топширилса, акс ҳолда ҳужжатлар, уларнинг таржималари келиб тушган санада топширилган деб ҳисобланади.

Талабнома (белгини рўйхатдан ўтказишга талаб этилаётган тасвирдан ташқари) икки нусхада топширилади.

Белгининг рўйхатдан ўтказиш учун талаб этилаётган тасвири 5 нусхада топширилади.

Талабномага илова этилаётган ҳужжатлар бир нусхада топширилади.

## 2-§. Талабноманинг таркиби

14. Талабнома, ушбу Қоидаларга келтирилган 1-иловадаги шаклда топширилади.

«Талабнома» сўзидан юқорида жойлашган графалар, талабнома Патент идорасига келиб тушгандан кейин реkvизитларни қўйиш учун мўлжалланган ва талабнома берувчи томонидан тўлдирилмайди.

Агар баъзи маълумотларни тегишли графаларда тўлиқ жойлаштириш мумкин бўлмаса, уларни ўша шакл бўйича қўшимча варақда келтирилади, талабноманинг тегишли графасида: «давомини қўшимча варақда қаранг» деб кўрсатилади.

15. «Талабнома берувчи» графасида талабнома берувчи тўғрисидаги маълумотлар келтирилади: юридик шахснинг тўлиқ расмий номи, жисмоний шахснинг фамилияси, исми (ва отасининг исми агар у мавжуд бўлса), шуни ҳам эътиборга олиш керакки, фамилия исмдан аввал кўрсатилади. Талабнома берувчининг номи ўзбек ва рус тилларида кўрсатилади.

16. «Талабнома берувчининг почта манзили» графасида талабнома берувчининг мамлакат расмий номини ўз ичига олган тўлиқ манзилгоҳи,

шунингдек телефон, факс рақамлари ва Интернетдаги электрон почта адреси (агар улар мавжуд бўлса) кўрсатилади.

17. Номларига гувоҳнома сўралаётган Ўзбекистон Республикаси корхоналари, ташкилотлари учун, агар у белгиланган бўлса, КТУТ коди кўрсатилади. Агар КТУТ коди белгиланган бўлмаса, тегишли жойда «белгиланмаган» деб кўрсатилади.

Номларига гувоҳнома берилиши сўралаётган, Ўзбекистон Республикасининг чегарасидан ташқарида яшовчи чет эл юридик ёки жисмоний шахслари учун Бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) нинг ST.3 стандарти бўйича мамлакат коди кўрсатилади (агар у белгиланган бўлса)

18. Устуворликни белгилаш тўғрисидаги илтимосномага эга графа, Патент идорасига талабнома келиб тушган санадан аввалгироқ устуворлик сўралаётган ҳолдагина тўлдирилади. Бу ҳолда тегишли катакларда «X» белгисини қўйиб чиқилади.

«Биринчи талабнома рақами» графасида конвенция устуворлиги сўралаётган биринчи талабноманинг рақами кўрсатилади.

«Устуворлик санаси» графасида сўралаётган устуворлик санаси кўрсатилади.

«Талабнома берилган мамлакатнинг БИМТнинг ST.3 стандарти бўйича коди» графасида талабнома берилган мамлакатнинг БИМТнинг ST.3 стандарти бўйича коди кўрсатилади.

19. «Ёзишма олиб бориш учун манзилгоҳ» графасида ёзишма олиб бориш учун манзилгоҳ, хат олувчининг исми ёки номи келтирилади, ҳамда телефон, акс рақамлари рақамлари ва Интернетдаги электрон почта адреси (агар улар мавжуд бўлса) кўрсатилади.

Ёзишма олиб бориш учун манзилгоҳ сифатида, талабнома берувчи – юридик шахснинг Ўзбекистон Республикасида жойлашган жойи ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган талабнома берувчи - жисмоний шахснинг манзилгоҳи, ёхуд Патент идорасида рўйхатдан ўтказилган патент вакилининг манзилгоҳи, ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бошқа манзилгоҳ кўрсатилган бўлиши мумкин.

20. «Патент вакили» графаси, фақат талабнома берувчи томонидан патент вакили тайинланган ҳолда тўлдирилади, у тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар: фамилияси, исми (отасининг исми агар у мавжуд бўлса), Патент идорасида рўйхатдан ўтказилган рақами.

21. «Патент вакилининг манзилгоҳи» графасида патент вакилининг Ўзбекистон Республикасидаги манзилгоҳи, почта индексини кўрсатган ҳолда, телефон, факс рақамлари ва Интернетдаги электрон почта адреси (агар улар мавжуд бўлса) келтирилади.

22. «Талабномада кўрсатилган белгининг тасвири» графасида талабнома берилган белгининг (фотосурати, типография оттискаси) қалин, узоқ муддатга чидамли, формати 8x8 см бўлган қоғоздаги тасвири ёпиштириб қўйилади (белгининг турига қараб, унинг фотосурати ёки оттискасининг кенглиги 8-16 см ни ташкил этиши мумкин).



Агар рўйхатдан ўтказиш учун товар белгиси сифатида этикеткага талабнома берилаётган бўлса, у ҳолда белгининг тасвири сифатида этикетканинг ўзи топширилиши мумкин. Агар этикетканинг формати 8 x 16 см дан ортиқ бўлса, у ҳолда белгининг тасвири кичрайтирилган ўлчамда топширилади.

Агар рўйхатдан ўтказиш учун товар белгиси сифатида муайян шаклга эга бўлган уч ўлчамли белгига талабнома берилаётган бўлса, у ҳолда «Талабномада кўрсатилган белгининг тасвири» графасида шу белгининг умумий кўринишининг тасвири жойлаштирилади. Шунинг билан бирга, белги тўғрисида тасаввур ҳосил қилувчи зарур проекциялар ҳам келтирилади.

Талабномада кўрсатилган белгининг тасвири товар белгисини қайси ранг ёки ранглар бирикмасида рўйхатдан ўтказиш сўралаётган бўлса, ўша ранг ва ранглар бирикмасида топширилади.

Белгининг тасвири ундан исталган миқдорда нусха олишга имкон берадиган қилиб, график асосида, сифатли бажарилган бўлиши лозим.

23. «Талабномада кўрсатилган белгининг тури» графаси тегишли катакларда «Х» белгисини қўйиб чиқиш йўли билан тўлдирилади.

24. «Талабномада кўрсатилган белгининг таркибий қисмлари» ва «Белгининг ёки қисмларининг транслитерацияси» графаларида белгини ташкил этувчи қисмларининг рўйхати ва белги ёки унинг қисмларининг маъноси келтирилади.

Агар сўзли белги ёки унинг бир қисми маънога эга бўлмаса, у ҳолда унинг вужудга келиш усули кўрсатилади, бир неча сўзларнинг бошланғич бўғинлари, аббревиатура, тўқиб чиқарилган сўз ва бошқалар.

Агар сўзли белги ўзбек ёки рус тилларида кам ишлатиладиган бўлса (махсус атама, тарихий ном, эскирган сўз) у ҳолда унинг вазифаси кўрсатилади.

Агар сўзли белги ўзбек ёки рус тилларидан бошқа тилда топширилган бўлса, ўзбек ёки рус алфавитининг ҳарфлари билан транслитерацияси келтирилади.

Агар белги ёки унинг бир қисми тасвирий бўлса, у ҳолда унга кирувчи барча элементларнинг тавсифи келтирилади ва агар унинг маъноси бор бўлса, у ҳам кўрсатилади.

25. Агар рангли белгини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган бўлса, у ҳолда унинг ранги ёки ранглар бирикмаси кўрсатилади. Рангларнинг тавсифи белгида фойдаланиладиган ва кўчирма нусхада мавжуд рангларга мос келиши лозим.

Агар оқ-қора рангдаги белгини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган бўлса, кўрсатилган графани тўлдириш талаб этилмайди.

26. «Қўшимча маълумотлар» графасида талабномада кўрсатилган белгининг ўзига хослигини (уч ўлчамли (ҳажмли), товушли, ёруғлик, жамоавий ва бошқа белги) кўрсатиш учун тегишли катакларда «Х» белгисини қўйиб чиқиш йўли билан тўлдирилади.

Ёруғлик, товушли, ҳидли ёки бошқа белгилар график кўринишида топширилади.

Агар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун товуш белгисига талабнома топширилган бўлса, белги MPEG форматида рақамланган кўринишда тақдим этилади ва товуш турининг кўрсатмаси (муסיқа асари ёки унинг бир қисми, қандайдир пайдо бўлган шовқинлар ва ҳоказо), унинг нота ёзуви келтирилади.

Агар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун ёруғлик белгисига талабнома топширилган бўлса, белги MPEG форматида рақамланган кўринишда тақдим этилади ва у ҳолда ёруғлик рамзларининг (сигналларининг) характеристикаси, уларнинг кетма-кетлиги, ёритиш вақтининг узунлиги ва бошқа ўзига хос хусусияти келтирилади.

Агар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун ҳидли белгига талабнома топширилган бўлса, ҳид таркибининг кимёвий формуласи келтирилади.

27. Товарлар ва хизматларнинг рўйхати, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарлар ва хизматларни аниқлаш учун мўлжалланган.

«Синф» ва «Товарлар ва хизматларнинг номлари» графаларида товар белгиси рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарлар ва (ёки) хизматларнинг номлари кўрсатилган ТХХК синфларининг рақам(лар)и келтирилади.

ТХХК синфлари бўйича гуруҳларга ажратилган товарлар ва (ёки) хизматлар, маҳсулот(хизмат)ни айнанлаштириш имконини берувчи аниқ атамалар билан белгиланган бўлиши лозим.

28. «Илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати» графаси, тегишли каталарда «Х» белгисини қўйиб чиқиш ва илова қилинадиган ҳужжатларнинг ҳар бир намунасида нусхалар ва варақлар сонини кўрсатиш йўли билан тўлдирилади. Тури талабноманинг шаклида кўзда тутилмаган, («бошқа ҳужжат») илова қилинадиган ҳужжатлар учун уларнинг вазифалари аниқ кўрсатилади.

Агар талаб қилинаётган белги Қонуннинг 10-моддаси, биринчи қисми 1-4 бандларида санаб ўтилган элементларга эга бўлса, талабномага розиликни тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади:

а) давлат герблари, байроқлари ва эмблемаларидан фойдаланишга тегишли давлат ташкилотининг розилиги;

б) давлатларнинг расмий номлари; халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ номларидан фойдаланишга тегишли ваколатли ташкилотнинг розилиги;

в) давлат мукофотлари ва бошқа фарқлаш белгиларидан фойдаланишга тегишли ваколатли ташкилотнинг розилиги;

г) расмий назорат, кафолат ёки намуна тамгалари ва муҳрлардан фойдаланишга тегишли ваколатли ташкилотнинг розилиги;

маҳсулот ишлаб чиқарувчининг жойлашган ўрнини кўрсатувчи белги сифатида қабул қилиш мумкин бўлган қисман ёки тўлиқ географик белгилардан иборат бўлган белгилардан фойдаланиш учун тегишли ваколатли ташкилотларнинг ҳужжат билан тасдиқланган розилиги илова қилинади.

29. Агар белги таркибида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш санасига, талабнома берувчи томонидан ишлаб чиқараётган товарларига ёки кўрсатётган хизматларига берилган мукофот тасвирига кўрсатмалар бўлса, талабномага асос солинган сана, талабнома берувчининг мукофотга ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

30. Зарур ҳолларда аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) машҳур шахсларнинг фамилиялари, исмлари, тахаллуслари ва улардан тузилган ҳосилалар, бундай шахсларнинг портретлари ва факсимилеларини такрорловчи белгилар бўлса, маҳсулот белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун машҳур шахсларнинг, уларнинг меросхўрларининг ёки тегишли ваколатга эга ташкилотларнинг розилиги;

б) Ўзбекистон Республикасида маълум фан, адабиёт ва санъат асарлари ёки улар кўринишларининг тегишли номларини маҳсулот белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун муаллифлик ҳуқуқи эгаси ёки унинг ҳуқуқий ворисларининг розилиги;

31. Талабноманинг охири «Имзо» графасини имзо қўйилган санаси кўрсатилган ҳолда тўддириш барча ҳолларда мажбурийдир.

Талабнома талабнома берувчи томонидан имзоланади. Юридик шахс номидан ташкилот раҳбари томонидан унинг лавозими кўрсатилган ҳолда имзоланади. Имзо муҳр билан тасдиқланади.

Талабнома патент вакили орқали берилганда, талабнома патент вакили томонидан имзоланади.

Имзо, имзо қўювчи шахснинг фамилияси, исми, отаси исмининг бош ҳарфлари кўрсатилган ҳолда изоҳланади. Талабномада қўшимча варақлар мавжуд бўлса, улар ҳам худди шу тартибда имзоланади.

### 3-§. Ҳужжатларни расмийлаштириш

32. Барча ҳужжатлар шу тарзда расмийлаштирилиши лозимки, зарур бўлган ҳолларда улардан исталган миқдорда нусха олишнинг иложи бўлсин.

Ҳар бир варақдан, фақат бир томонидан, қаторларни варақнинг кичик томонига параллел жойлаштирилган ҳолда фойдаланилади.

33. Талабноманинг ҳужжатлари пишиқ, оқ, силлиқ, ялтирамайдиغان қоғозда бажарилади.

Талабноманинг ҳар бир ҳужжати алоҳида варақдан бошланади. Варақлар, ҳошияларининг ўлчами (мм):

юқориси - 20;

ўнг ва пастдаги - 20;

чапдаги - 25,

бўлган 210 x 297 мм форматга эга.

35. Талабноманинг ҳар бир ҳужжатида иккинчи ва ундан кейинги варақлар араб рақамлари билан рақамлаб чиқилади.

36. Ҳужжатлар қора рангли шрифтларда босиб чиқарилади. Матн 1,5 интервал билан, бош ҳарфларининг баландлиги 2,1 мм дан кам бўлмаган ҳолда босмадан чиқарилади.

#### **4-§. Талабномани топшириш**

37. Қонуннинг 4-моддаси 2-қисми ва 8-моддаси 1-қисмига мувофиқ товар белгисига талабнома топшириш ҳуқуқига юридик шахс ва шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс яъни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ товарлар ишлаб чиқаришдан, хизмат кўрсатадиган ёки воситачилик ёхуд бошқа фаолият билан шуғулланадиган шахс эгадир (матнда бундан кейин талабнома берувчи).

38. Талабнома Патент идорасига бевосита топширилади ёки почта орқали юборилади.

39. Талабномани талабнома берувчи томонидан ёки Патент идорасида рўйхатдан ўтган патент вакили орқали топширилиши мумкин. Чет эл юридик шахслари ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшайдиган жисмоний шахслар ёки уларнинг патент вакиллари товар белгисини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ ишларни фақат патент идорасида рўйхатдан ўтган патент вакили орқали олиб борадилар.

### **II боб. Патент идораси билан товар белгисини рўйхатдан ўтказишга талабнома бўйича ишларни олиб бориш**

#### **5-§. Вакил тайинлаш**

40. Талабнома топширилгандан кейин товар белгисини рўйхатдан ўтказиш бўйича ишларни олиб бориш ва талабномани кўриб чиқиш давомида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун талабнома берувчи ушбу қондаларнинг 9-бандида кўзда тутилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бериб вакил тайинлаш мумкин.

41. Вакилнинг ишончномаси талабномани топшириш вақтида ёки иш юритиш давомида тақдим этилиши мумкин. Ишончнома талабнома материалларига қўшиб қўйилади.

42. Ишончнома топширилгунга қадар вакилнинг олиб борган ҳаракатлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва экспертиза томонидан инobatга олинмайди. Вакилнинг унга тақдим этилган ваколатлари доирасидаги ҳар бир ҳаракати ёки Патент идорасининг унга нисбатан ҳар бир ҳаракати талабнома берувчининг ҳаракати ёки талабнома берувчига нисбатан ҳаракат каби оқибатларга олиб келади.

43. Вакиллик ишончномада кўрсатилган ваколатлар ёки уларнинг амал қилиш муддати тугагунча амал қилади. Ишончнома кўрсатилган вакилларни муддатидан аввал тўхтатиш талабнома берувчи ёки унинг ҳуқуқий вориси томонидан Патент идорасига тегшли ариза (ишончномани чақириб олиш) бериш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

## **6-§. Патент идораси билан ёзишмалар олиб бориш**

44. Ёзишмалар талабнома берувчи ёки унинг шу ишга тайинланган вакили томонидан ҳар бир талабнома учун алоҳида олиб борилади. Талабнома топширилгандан кейин юбориладиган материалда талабнома рақами кўрсатилиши ва талабнома берувчи ёки унинг вакилининг имзоси бўлиши шарт. Талабнома рақами кўрсатилган материаллар, агар талабнома рақами аниқланмаса, кўриб чиқилмасдан қайтариб юборилади.

45. Патент идораси билан ёзишмалар ўзбек ёки рус тилларида олиб борилади. Талабнома берувчи томонидан бошқа тилда берилган материалларга уларнинг ўзбек ёки рус тилларида таржимон имзоси билан тасдиқланган таржимаси илова қилиниши мумкин.

46. Йилларда ифодаланган исталган муддат тегишли кейинги келади-ган йилда, худди шу номли ойда ва муддатни ҳисоблаш бошланадиган воқеа содир бўлган ой ва кун рақами нечанчи бўлса, ўша кунда тугайди; аммо агар тегишли ой ўша рақамли кунга эга бўлмаса, муддат ушбу ойнинг охириги куни тугайди.

47. Ойларда ифодаланган исталган муддат тегишли кейинги келади-ган ойда ва муддатни ҳисоблаш бошланадиган воқеа содир бўлган кун рақами нечанчи бўлса, ўша кунда тугайди; аммо агар тегишли ой ўша рақамли кунга эга бўлмаса, муддат ушбу ойнинг охириги куни тугайди.

## **7-§. Муддатлар**

48. Кунларда ифодаланган муддат кўрсатилган воқеа рўй берган кундан кейинги кундан ҳисобланиб сўнгги куннинг охирида тугайди.

49. Агар хат ёки патент божи Патент идорасига келиб тушиши лозим бўлган муддатнинг охириги куни Патент идорасининг дам олиш кунига тўғри келса, ушбу муддат кейинги иш кунига ача узайтирилади.

## **8-§. Талабнома ҳужжатларига қўшимчалар, аниқликлар ва тузатишлар киритиш**

50. Қонуннинг 13-моддаси 2-абзацига мувофиқ талабнома берувчи ўз ташаббусига кўра талабнома материални товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунга қадар талабномада кўрсатилган белги тасвирини ўзгартирмаган ҳолда тузатиши, аниқлаштириши ва қўшимчалар киритиши мумкин.

51. Қуйидаги ўзгартиришларни киритиши мумкин:

а) талабнома берувчининг, патент вакилининг номини номланишини ўзгартириши.

б) талабнома берувчининг, патент вакилининг манзилгоҳини, ёзишмалар олиб бориладиган манзилни ўзгартириши;

в) талабнома берувчини ўзгартириши;

- г) келишувга ўзгартириш киритиш;
- д) хатоларни тузатиш;
- е) товарлар рўйхатини қисқартириши;

52. Талабнома материалларини тузатиш, аниқлик ва қўшимчалар киритиш талабнома берувчи томонидан тегишли ёзма ариза топшириш йўли билан амалга оширилади. Аризаларнинг шакли ушбу Қоидаларга 2 ва 3-иловаларда келтирилган. Ариза Патент идорасига келиб тушганлиги ва уни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида талабнома берувчига хабар берилади. Аризага талабнома материалларига ўзгартиришлар киритиши учун патент божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат илова қилинади. Патент божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат илова қилинмаса ёки тўланган патент божининг миқдори белгиланган миқдордан кам бўлса, қўшимча материаллар кўриб чиқишга қабул қилинмайди ва бу ҳақда талабнома берувчига хабар берилади.

53. Патент идораси талабнома ҳужжатларидаги хатоларни тузатиш ҳақидаги аризани қабул қилади. Аризада талабнома рақами ва тузатилиши лозим бўлган хато кўрсатилган бўлиб талабнома берувчи ёки унинг патент вакили томонидан имзоланган бўлиши керак. Аризанинг шакли ушбу Қоидаларга 3-иловада келтирилган.

54. Талабнома берувчи – юридик шахс номланиши ёки талабнома берувчи жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганда, ушбу ўзгартиришни тасдиқлайдиган ҳужжат тақдим этилади.

55. Талабнома берувчи талабномага бўлган ҳуқуқини ўзга шахсга ўтказса, Патент идорасига талабнома берувчи ўзгарганлиги тўғрисидаги қайдни киритиш ҳақида ариза топширилади. Аризанинг шакли ушбу Қоидаларга 4-иловада келтирилган.

Аризада ҳуқуқ ўзга шахс яъни ҳуқуқий ворисга ўтказилишининг кўрсатилиши ушбу Қоидаларнинг 15, 16, 19-бандларида кўзда тутилган шахс ҳақидаги маълумотлар бўлиши керак. Талабнома берувчи ва унинг ҳуқуқий вориси томонидан ушбу Қоидаларнинг 31-бандида кўзда тутилган тартибда имзоланади.

Агар ариза фақат талабнома берувчи томонидан имзоланган бўлса, аризага талабнома берувчи ва унинг ҳуқуқий вориси томонидан имзоланган ҳуқуқ ўтказилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинади. Аризанинг шакли ушбу Қоидаларга 5-иловада келтирилган.

Белгиланган талабларга риоя қилинган бўлса, талабнома берувчи ва унинг ҳуқуқий ворисига талабнома материалларига талабнома берувчининг ўзгартирилганлиги тўғрисида қайд киритилганлиги ҳақида хабар берилади. Кейинги барча ёзишмалар янги талабнома берувчи билан олиб борилади.

Талабнома берувчи ва унинг ҳуқуқий ворисига талабнома материалларига ўзгартириш киритилганлиги тўғрисидаги билдиришнома юборилган сана ҳуқуқ ўтган сана деб ҳисобланади. Белгиланган талабларга риоя қилинмаган ҳолда, талабнома берувчи ва унинг ҳуқуқий вориси тақдим этилган ҳужжатларга аниқликлар ва/ёки тузатишлар киритиш зарурлиги ёки талабнома материалларига талабнома берувчининг ўзгартириш ҳақидаги қайдни

критиш мумкин эмаслиги тўғрисида, тегишли сабаблар кўрсатилган ҳолда билдиришнома юборилади.

56. Товарлар ва хизматлар рўйхатида бир неча товар ва хизматлар келтирилган талабномани талабнома берувчининг илтимосига кўра биринчи талабномадаги товарлар ва хизматларни бўлиш йўли билан бир неча талабномага ажратиш мумкин (матнда бундан кейин ажратилган талабнома деб юритилади). Бу ҳолда ажратилган талабномадаги товар ва хизматлар биринчи талабномада қолаётган товар ва хизматлар билан бир хил бўлмаслиги керак. Ушбу илтимос талабнома берувчи томонидан тегишли ариза топшириш йўли билан амалга оширилади. Аризанинг шакли ушбу Қоидаларга 6-иловада келтирилган. Биринчи талабнома бўйича қарор қабул қилингунга қадар талабномани ажратиш мумкин.

Ажратилган талабнома биринчи талабнома топширилган санаси ва товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишга сўралаётган белги устуворлиги сақлаб қолинади. Биринчи талабнома бўйича эртароқ устуворлик ҳуқуқи мавжуд бўлган ҳолда эса ушбу устуворлик санаси бўйича сақланади.

Илтимоснома билан биргаликда мазкур Қоидаларнинг 6-13-бандларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар ва талабномани ажратиш учун белгиланган миқдорда бож тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат топширилади.

57. Талабнома берувчи томонидан тақдим этилган қўшимча материаллар мазкур Қоидаларнинг 119, 120-бандларига мувофиқ кўриб чиқилади.

### **9-§. Талабнома материаллари билан танишиш**

58. Талабнома берувчи (унинг вакили) топширилган талабнома ва унга оид ҳужжатлар билан олдиндан куни ва соатини келишиб бевосита Патент идорасида ёки талабнома ҳужжатларининг ёхуд уларнинг бирор қисмининг нусхасини сўраш йўли билан танишиши мумкин. Сўралган ҳужжатларнинг нусхалари тариф бўйича хизматларга тегишли ҳақ тўланган тақдирда талабнома берувчига юборилади.

59. Ҳуқуқни сақлаш органлари фақат тергов зарурияти бўлган ҳоллардагина талабнома материаллари билан бепул танишадилар.

### **10-§. Талабномани кўриб чиқиш жараёнида экспертиза томонидан кўрсатилган материаллар билан танишиш**

60. Талабнома берувчи экспертиза қарорида кўрсатилган материаллар билан танишиш ҳуқуқига эга.

61. Материалларнинг сўралган нусхалари тегишли хизматга тариф бўйича ҳақ тўланганидагина талабнома берувчига жўнатилади.

## **11-§. Талабномани талабнома берувчининг иштирокида кўриб чиқиш**

62. Талабнома билан боғлиқ саволларни талабнома берувчи (унинг вакили) иштирокида кўриб чиқиш одатда, экспертиза талабнома берилган белги, товарлар ва хизматлар рўйхати бўйича қўшимча тушунтиришлар олиш зарурияти пайдо бўлган ҳолда ва белгининг рўйхатдан ўтказиш шартларига мувофиқлиги тўғрисида экспертизанинг ва талабнома берувчининг позициясини аниқлаш учун ўтказилади. Иккала томон шу саволлар билан танишиб чиққандан сўнг Патент идорасининг таклифига ёки талабнома берувчининг илтимосига кўра талабнома берувчи иштирокида кўриб чиқиш ўтказилиши мумкин. Экспертизанинг саволлари эксперт муҳокамасини ўтказиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида билдирилган сўровномасида баён қилиниши мумкин.

Сўровнома юборилган ҳолда талабнома берувчи талабномани кўриб чиқишда қатнашиш ниятидан қазий назар сўровномага Қонунда белгиланган муддатда жавоб бериши лозим.

63. Эксперт муҳокамасини ўтказиш санаси ва вақти олдиндан келишиб олинади. Агар бирор томон муҳокамада белгиланган вақтда қатнаша олмаसा, дарҳол иккинчи томонни хабардор қилади. Патент идораси ёки талабнома берувчи агар талабномани бирга кўриб чиқишга вақтли ёки мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобласа, Патент идорасининг таклифи ёки талабнома берувчининг илтимоси рад этилиши мумкин. Ушбу қоидаларнинг 40-43-бандларидаги шартлар бажарилган ҳолда эксперт муҳокамасида талабнома берувчининг вакили қатнашиши мумкин.

## **12-§. Сўралган материалларни тақдим этиш муддатини узайтириш**

64. Қонуннинг 13-моддаси 4-қисмига мувофиқ талабнома берувчининг ёзма илтимосига кўра сўралган материалларни тақдим этиш муддати узайтирилиши мумкин. Илтимос билан биргаликда муддатни узайтириш учун белгиланган миқдорда бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат топширилади.

65. Муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимоснома талабнома берувчига сўровнома юборилган санадан уч ой ўтмаган муддатда топширилади.

66. Талабнома берувчига сўралган материалларни тақдим этиш муддати узайтирилганлиги тўғрисида билдиришнома юборилади.

67. Агар илтимоснома белгиланган муддат ўтгандан сўнг берилган бўлса патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаган бўлса ёки тўланган бож суммаси белгиланган миқдорга тўғри келмаса, сўралган материалларни тақдим этиш муддати узайтирилмайди. Бу ҳолда талабнома берувчига унинг илтимосини рад этилганлиги ҳақида билдиришнома юборилади.



### 13-§. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш

68. Қонуннинг 13-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ талабнома берувчи томонидан экспертиза сўрови бўйича қўшимча материалларни тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатлари тикланиши мумкин.

69. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги расмий илтимоснома талабнома берувчи томонидан муддат ўтиб кетган кундан бошлаб икки ой ичида муддатни ўтказиб юборишга узрли сабабларни кўрсатган ҳолда топширилади.

70. Расмий илтимоснома билан биргаликда тегишли патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади. Агар шундай ҳужжат тақдим этилмаган бўлса расмий илтимоснома топширилмаган деб ҳисобланади ва бу ҳақда талабнома берувчига билдиришнома юборилади.

71. Ўтказиб юборилган муддат тикланганлиги тўғрисида талабнома берувчига билдиришнома юборилади.

72. 69-бандда кўрсатилган талаблар бажарилмаган ҳолда расмий илтимоснома қондирилмайди ва бу ҳақда талабнома берувчига билдиришнома юборилади.

### 14-§. Талабнома берувчи томонидан талабномани чақириб олиш

73. Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ талабнома берувчи талабномани чақириб олиш ҳуқуқига эга.

Талабномани чақириб олиш тўғрисидаги ариза, талабномани кўриб чиқишнинг исталган босқичида, лекин товар белгисини рўйхатдан ўтказиш санасига қадар топширилиши мумкин. Талабнома берувчига чақириб олиш тўғрисидаги ариза қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган санадан бошлаб талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади.

74. Жамоавий товар белгисига талабнома ушбу белгидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган барча юридик ва жисмоний шахсларнинг розилиги бўлган ҳолда чақириб олинishi мумкин.

75. Чақириб олинган талабнома бўйича ҳуқуқий аҳамиятга молик амаллар (бундай талабнома экспертизаси ўтказилмайди, товар белгиси рўйхатдан ўтказилмайди). Бошқа талабномаларнинг экспертизасини ўтказишда чақириб олинган талабнома эътиборга олинмайди.

## III боб. Талабномани кўриб чиқиш

### 15-§. Келиб тушган талабномани рўйхатга олиш

76. Агар Патент идорасига келиб тушган талабнома энг камида ўзбек ёки рус тилида товар белгисини рўйхатдан ўтказишга ариза ва талабномани топшириш учун патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлса, талабнома келиб тушиш санаси кўрсатилган ҳолда рўйхатга олинади.

Ўзбек ёки рус тилидан бошқа тилда топширилган талабнома рўйхатга олинмайди ва топширган шахсга қайтариб юборилади.

77. Талабномага учта ҳарфли ва саккиз хонали рақамли код берилади. Унда биринчи ҳарф (Т) саноат мулки объекти тури – товар белгисини, кейинги икки ҳарф (GU) муҳофаза ҳужжати тури – товар белгисини рўйхатдан ўтказишга гувоҳномани билдиради, сонлар (хатта разряддаги 4 та сон) эса талабнома топширилган йили ва (кичик разрядли 4 та сон) шу йилдаги ҳар йили бирдан бошланадиган тартиб рақамини билдиради.

78. Рўйхатга олинган талабнома қайтарилмайди.

79. Патент идорасига келиб тушгандан бошлаб чоп этилгунга қадар талабнома тўғрисидаги маълумотлар конфиденциал ҳисобланади ва ноқонуний ошкор қилиниши мумкин эмас.

## 16-§. Расмий экспертиза

80. Расмий экспертизанинг вазифаси талабнома материаллари таркибини, зарур ҳужжатлар мавжудлигини ва уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш. Расмий экспертиза натижалари бўйича талабнома берувчига Патент идорасининг талабнома кўриб чиқишга қабул қилинганлиги ёки қабул қилинмаганлиги ҳақидаги қарори юборилади.

81. Расмий экспертиза муддати талабнома Патент идорасига келиб тушган санадан бошлаб 30 кунни ташкил қилади. Талабнома берувчига сўровнома юборилган ҳолда бу муддат мос равишда узайтирилади.

82. Расмий экспертиза ўтказишда материаллар ичида қуйидаги ҳужжатлар мавжудлиги ва уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади:

а) белгини товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишга ариза;

б) талабнома берувчининг номи ёки номланиши, манзилгоҳнинг кўрсатилганлиги;

в) патент вакилининг исми-шарифи, агар мавжуд бўлса.

г) талабномада рўйхатдан ўтказиш сўралаётган белгининг тасвири;

д) рўйхатга ўтказиш сўралаётган товарлар ва хизматлар рўйхати;

е) конвенция устуворлиги сўралган бўлса биринчи талабнома нусхаси;

ж) кўрғазма устуворлигини сўраш қонунийлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

з) товар белгисини рўйхатдан ўтказишга талабномани топшириш учун патент божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

и) талабнома жамоавий белгига оид бўлса, келишув;

к) патент вакилига берилган ишончнома;

л) ўзбек ёки рус тилидаги бошқа тилда топширилган материалларнинг таржимаси.

83. Товар белгисини рўйхатдан ўтказишга талабномани топшириш саноати ушбу Қоидаларнинг 82-бандининг а), б), в), г), д), з), бандчаларида санаб ўтилган ҳужжатлар ва маълумотлар талабнома билан бирга топширилган бўлса ёки улардан энг охиргиси келиб тушган санадан белгиланади.

84. Ўзбек ёки рус тилидан бошқа тилда топширилган талабноманинг таржимаси тақдим этилмагунча ҳужжатлар топширилмаган деб ҳисобланади.

85. Талабнома материалларида 82-банднинг в), е), ж), и) бандчаларида кўрсатилган маълумотларнинг ёки ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги ёки уларнинг ушбу Қоидалардаги талабларга мувофиқ эмаслиги талабномани кўриб чиқишга қабул қилинганлиги ҳақида қарор чиқариш ва талабнома келиб тушган санани белгилаш учун тўсиқ бўла олмайди.

86. Рўйхатга олинмаган талабномада талабномани топшириш учун патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжудлиги текширилади. Агар тақдим этилган ҳужжатда талабнома топшириш учун патент божи ТХХКнинг битта синфи учун белгиланган миқдорда тўланган бўлиб, талабномада кўрсатилган синфлар сонига мос келмаса талабнома берувчига тегишли билдиришнома юборилган санадан эътиборан уч ой ичида зарур бўлган патент божининг етишмаган қисмини тўлаш ёки синфлар сонини мувофиқлаштириш таклиф қилинади. Уч ойлик муддат ичида патент божининг белгиланган миқдорга етишмаган қисмини тўланганлиги тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаса, кўриб чиқиш талабномада биринчи бўлиб кўрсатилган ТХХК синфига нисбатан олиб борилади.

87. Агар расмий экспертиза ўтказиш жараёнида талабнома ҳужжатлари ушбу Қоидаларда белгиланган талабларга риоя қилинмаган ҳолда расмийлаштирилганлиги аниқланса, талабнома берувчига сўровнома юборилади, сўровномада аниқланган камчиликларни кўрсатилган ва ушбу сўровнома жўнатилган санадан эътиборан уч ой ичида етишмаган ёки тузатилган маълумотлар ёки ҳужжатларни тақдим этиш таклиф қилинади.

88. Сўровнома юбориш учун хусусан қуйидагилар асос бўлади:

а) талабнома материалларида ушбу Қоидаларнинг 82-банди а), б), г), д), з), бандчаларида кўрсатилган маълумотлар ва/ёки ҳужжатлар мавжуд эмаслиги;

б) тўланган патент божининг суммаси белгиланган миқдорга мувофиқ эмаслиги.

Ушбу қоидаларнинг 82-банди в), е), ж), и), бандчаларидаги маълумотлар ёки ҳужжатларнинг фақат бирортаси етишмаса талабнома расмий экспертиза босқичида сўровнома юборилмайди.

89. Агар талабнома берувчи тақдим этган жавобда сўралган барча маълумотлар ва/ёки ҳужжатлар бўлмаса яна қайта сўровнома юборилади.

90. Расмий экспертиза сўровига жавоб олинмаса, жавоб бериш учун белгиланган муддат бузилган бўлса ва бу муддат ичида уни узайтириш ҳақида илтимоснома юборилмаса, талабнома берувчига талабнома кўриб чиқишга қабул қилинишини рад этиш тўғрисида қарор юборилади.

91. Талабнома материаллари белгиланган талабларга мувофиқ бўлган, шунингдек сўралган маълумотлар талабнома берувчи томонидан ўз вақтида тақдим этилган ҳолда талабнома топширилган сана белгиланади ва талабнома кўриб чиқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарор талабнома берувчига юборилади.

92. Агар талабнома берувчи томонидан сўровномасига расмий экспертизанинг тақдим этилган жавобда сўралган маълумотлар ва/ёки ҳужжатлар

бўлмаса, талабномани кўриб чиқишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарор чиқарилади.

Талабномани кўриб чиқишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарорда бундай қарор чиқариш учун асослар кўрсатилади.

### 17-§. Талабномада кўрсатилган белги экспертизаси

93. Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ талабнома кўрсатилган белги экспертизасининг вазифаси товарларнинг белгиси устуворлигини белгилаш ва талабнома берилган белгининг Қонуннинг 3 ва 10-моддаси қоидаларига мувофиқлигини текширишдир.

94. Талабномада кўрсатилган белги экспертизаси натижалари бўйича товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор ёки талабномада келтирилган белгини товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор тайёрланади.

95. Талабномада кўрсатилган белги экспертизаси бўйича қарор чиқарилгунга қадар талабнома берувчига ушбу белгининг Қонуннинг 15-моддаси 2-қисми ва ушбу Қоидаларнинг 97-бандига мувофиқлигини текшириш натижалари бўйича сўровнома юборилиши мумкин. Сўровномада келтирилган сабабларга асосланган жавоб бериш таклиф этилади.

96. Сўровномада талабномада кўрсатилган белгини товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун Қонун ва ушбу Қоидаларга асосланган сабаблар келтирилади. Сўровнома жавоб юборилган санадан эътиборан уч ой ичида сўровномага жавоб ёки жавоб муддатини узайтириш ҳақидаги илтимоснома тақдим этилиши керак. Талабномада кўрсатилган белги экспертизаси сўровига жавобан олинмаган ёки талабнома берувчи жавоб бериш муддатини бузган ва шу муддатни узайтириш ҳақида илтимоснома бермаган ҳолда талабнома бўйича товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

97. Талабномада кўрсатилган белги экспертизаси давомида қуйидагилар амалга оширилади:

а) талабнома материалларининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг ушбу Қоидаларнинг 5-31-бандларида кўзда тутилган талабнома таркиби ва расмийлаштиришга бўлган талабларга мувофиқлигини қайта текшириш;

б) товарлар ва хизматлар рўйхатини ва уларнинг ТХХК синфлари бўйича гуруҳланиши тўғрилигини текшириш;

в) Қонуннинг 12-моддасига кўра товар белгиси устуворлигини белгилаш;

г) талабномада кўрсатилган белгининг Қонуннинг 3-, 10-моддаларига ва ушбу Қоидаларнинг 4-бандига мувофиқлигини текшириш;

98. Товарлар ва хизматлар рўйхатини текшириш давомида қуйидагилар аниқланади:

а) талабнома берувчи томонидан товар ва хизматларни белгилаш учун фойдаланилган атамаларнинг ТХХКнинг бирон бир синфидаги аниқ товар

ёки хизмат билан ушбу Қондаларнинг 27-банди 3-қисми талабларига мувофиқ бир хил идентификация қилиш имконияти;

б) талабнома берувчи томонидан товар ва хизматларнинг ТХХК синфлари бўйича тўғри гуруҳланганлиги.

Талабномада кўрсатилган товарлар ва хизматлар рўйхатини тузатиш зарурияти тугилса, экспертиза талабнома берувчидан тегишли аниқликлар киритишни сўрашга ҳақлидир. Агар ТХХКнинг талабнома берувчи томонидан санаб ўтилган товарларга мос синфлари сони талабномани топшириш учун патент божи тўланган синфлар сонидан ортиқ бўлса, талабнома берувчига божнинг етишмаган қисмини тўлаш ёки ҳуқуқ ҳажмини чеклаш (талабномада келтирилган белгини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган ТХХК синфлари сонини қисқартириш) тўғрисида билдиришнома юборилади.

Талабнома берувчи томонидан патент божининг етишмаган қисмини тўлашдан ёки ҳуқуқ ҳажмини камайтиришдан бош тортса белги экспертизаси ТХХКнинг бўлиб келтирилган синфларига нисбатан ўтказилади.

### 18-§. Товар белгиси устуворлигини белгилаш

99. Товар белгисининг устуворлиги Патент идорасига таркибида талабнома берувчи ва унинг жойлашган манзили ёки яшаш жойи, талабномада келтирилган белги, унинг тавсифи ва товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товар ва хизматлар рўйхати келтирилган ариза бўлган талабнома топширилган сана бўйича белгиланади. Агар талабномада дастлаб юқорида санаб ўтилган маълумотлар ва/ёки ҳужжатлардан бири бўлмаган бўлса, товар белгисининг устуворлик санаси деб, етишмаган устуворликни белгилаш учун зарур бўлган маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатларнинг энг охиригиса келиб тушган сана ҳисобланади.

Товар белгисининг устуворлиги шунингдек Париж конвенциясига аъзо давлатда берилган биринчи талабнома санаси бўйича ёки Париж конвенциясига аъзо давлатлардан бирининг ҳудудида ташкил қилинган расмий ёки расмий тан олинган халқаро кўргазмада ушбу белги билан белгиланган экспонатларнинг очиқ намоёиш қилинган санаси бўйича белгиланиши мумкин, агар Қонуннинг 12-моддаси 2-, 3- ва 4-қисмида кўзда тутилган талабларга риоя қилинган бўлиб, талабнома берувчи томонидан сўралаётган устуворликни тасдиқлайдиган зарур ҳужжатлар тақдим этилган бўлса.

100. Қонуннинг 12-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмига мувофиқ конвенция устуворлиги сўралган ҳолда қуйидагилар текширилади:

а) талабнома берувчи томонидан Париж конвенциясига аъзо давлатда топширилган биринчи талабноманинг нусхаси мавжудлиги;

Агар кўрсатилган нусха талабнома Патент идорасига келиб тушган санасидан кейин тақдим этилса, талабнома нусхаси тақдим этилиши лозим бўлган уч ойлик муддатта риоя қилинганлиги;

б) биринчи талабнома топширилган санадан ҳисобланадиган конвенция устуворлиги сўралган талабнома топширилиши лозим бўлган олти ойлик муддатта талабнома берувчи томонидан риоя қилинганлиги;

в) конвенция устуворлигининг белгилаш ҳақидаги илтимоснома Патент идорасига талабнома топширилган санадан бошлаб икки ой ичида берилганлиги;

г) талабномада кўрсатилган белгини товар ва хизматлар рўйхатининг биринчи талабномадаги белги ва товар ва хизматлар рўйхатига мувофиқлиги.

101. Кўргазма устуворлиги сўралган ҳолда Қонуннинг учинчи, тўртинчи қисмига мувофиқ қуйидагилар текширилади:

а) кўргазма устуворлигини тасдиқлайдиган ҳужжат мавжудлиги ушбу Қоидаларнинг 11-бандида кўзда тутилган талабларга мувофиқлиги;

б) кўргазма устуворлиги сўралган талабнома Патент идорасига келиб тушиши лозим бўлган экспонат кўргазмасида очиқ кўрсатиб бошланган санадан бошланадиган олти ойлик муддатга риоя қилинганлиги;

в) кўргазма устуворлигини белгилаш тўғрисидаги илтимосни Патент идорасига талабнома келиб тушган санадан икки ойдан ошмаган муддатда тақдим этилиши;

г) кўргазма устуворлигини белгилаш сўралган белги билан белгиланган товар кўргазмада намоиш қилинган бўлса, талабномада кўрсатилган белги намоиш этилган товарлардаги белгиларга мувофиқлиги.

102. Талабнома берувчи томонидан ушбу Қоидаларнинг 100 ва 101-бандида кўрсатилган талабларда бирортаси бажарилмаса, товар белгисининг устуворлиги ушбу Қоидаларнинг 99-бандининг биринчи, иккинчи қисмига мувофиқ белгиланади ва бу ҳақда талабнома берувчига билдиришнома юборилади.

### **19-§. Талабномада кўрсатилган белгининг муҳофазага лаёқатлилигини текшириш**

103. Талабномада кўрсатилган белгининг Қонуннинг 3- ва 10-моддаларида ва ушбу Қоидаларнинг 4-бандида белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади.

Агар талабномада кўрсатилган белги элементлари сифатида ушбу Қоидаларнинг 4-банди (и-м) бандчаларида кўрсатилган белгилардан бирини ўз ичига олса ёки фақат ушбу қоидаларнинг 4-банди (а-з) бандчаларида кўрсатилган белгилардан иборат бўлса, шу белгини товар белгиси сифатида рўйхатга олиш мумкин эмаслиги ҳақида хулосага келинади. Агар талабномада кўрсатилган белги фақат ушбу Қоидаларнинг 4-банди (а-з) бандчасида кўзда тутилган муҳофазага лаёқатли бўлмаган белгилардан иборат бўлмаса лекин улардан бирини ўз ичига олган бўлса:

а) ушбу Қоидаларнинг 4-банди (а-г) бандчаларида кўрсатилган белгилар мавжуд бўлган ҳолда тегишли ваколатли орган ёки уларнинг эгаларининг розилиги тасдиқланган ҳужжат мавжудлиги текширилади. Бундай розиликсиз товар белгиси рўйхатдан ўтказишга йўл қўйилмайди;

б) ушбу қоидаларнинг 4-банди (д, е, ж, з,) бандчаларида кўрсатилган белгилар мавжуд бўлган ҳолда улар товар белгисинда устун мавқеига эгаллиги текширилади.

104. Барча элементларда белги бошқа белги билан мос тушса, айнан бир хил деб ҳисобланади. Агар белги белгига умуман олганда ўхшаш бўлса, алоҳида фарқларига қарамасдан бошқа белги билан аралаштириб юбориш даражасида ўхшаш деб ҳисобланади. Айнан бир хиллик ва ўхшашликни текширишда қуйидаги амаллар бажарилади:

- а) айнан бир хил ва ўхшаш белгилар қидируви ўтказилади.
- б) талабномада кўрсатилган ва қидирувда топилган белгиларнинг ўхшашлик даражаси аниқланади.
- в) талабномада кўрсатилган товарларнинг (белгилар) рўйхатга олинган (талабнома берилган) товар белгилари билан бир хиллиги аниқланади.

105. Қонуннинг 10-моддаси 13-бандига кўра айнан бир хиллик ва аралаштириб юбориш даражасида ўхшашликка қидирув қуйидаги белгилар орасида ўтказилади:

а) экспертиза ўтказилаётган товар белгиси устуворлигидан аввал бир хил товарларга Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган ёки бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, нисбатан анча илгарироқ устуворликка эга бўлган товар белгилари;

б) Париж конвенциясининг 6-bis моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида умум эътироф этилган товар белгилари;

в) Ўзбекистон Республикасида белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги Мадрид битимига мувофиқ халқаро рўйхатдан ўтказиш асосида муҳофаза қилинадиган товар белгилари;

г) ушбу Қоидаларнинг 4-банди (и) – (з) бандчаларидаги шартларни ҳисобга олган ҳолда товар келиб чиққан жой номлари;

д) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сертификатлаш белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар.

106. Сўзли белгиларнинг ўхшашлигини аниқлаш учун улар қуйидагилар билан таққосланади:

- а) сўзли белгилар билан;
  - б) таркибига сўзли белгилар кирган жамлама белгилар билан;
- Сўзли белгилар ўхшашлиги товушли (фонетик), график (кўз билан кўрадиган) ва мазмунан (семантик) бўлиши мумкин.

107. Товушли ўхшашлик қуйидаги аломатлар асосида аниқланади:

а) таққосланаётган белгиларда яқин ва мос тушадиган товушлар мавжудлиги;

б) белгиларни ташкил қилувчи товушларнинг яқинлиги;

в) яқин товушлар ва товуш бирикмаларининг бир-бирига нисбатан жойлашиши;

г) мос бўғинлар мавжудлиги ва уларнинг жойлашиши;

д) белгилардаги бўғинлар сони;

е) мос товуш бирикмаларининг белги такибидаги ўрни;

ж) унли товушлар таркибининг яқинлиги;

з) ундош товушлар таркибининг яқинлиги;

- и) белгилари бир-бирига мос қисмларининг характери;
- к) бир белгининг иккинчисига кириши;
- л) урғу.

108. График ўхшашлик қуйидаги аломатлар асосида аниқланади:

- а) умумий кўриш таассуроти;
- б) шрифт тури;
- в) ҳарфлар характерини ҳисобга олган ҳолда график ёзилиши (босма ёки ёзма, бош ёки кичик ҳарф);
- г) ҳарфларнинг бир-бирига нисбатан жойлашиши;
- д) сўз ҳарфлари ёзилган алифбо;
- е) ранг ёки ранглар уйғунлиги;

109. Мазмунан ўхшашлик қуйидаги аломатлар асосида аниқланади:

- а) белгиларда ифодаланган тушунчалар, ғояларнинг ўхшашлиги хусусан, белги мазмунининг турли тилларда мос келиши;
- б) белгининг мантиқий урғу берилган ва мустақил аҳамиятга эга бўлган бирорта элементнинг мос тушиши;

- в) белгида ифодаланган тушунча, ғояларда қарама-қаршилиги;

110. Ушбу Қоидаларнинг 107-109- бандларида санаб ўтилган аломатлар ҳар бири алоҳида ва турли бирликларда ҳисобга олиниши мумкин.

111. Тасвирий ва муайян шаклдаги ҳажмли белгиларнинг ўхшашлигини аниқлаш учун уларни қуйидагилар билан таққосланади:

- а) тасвирий белгилар билан;
- б) ҳажмли белгилар билан;
- в) таркибига тасвирий ва ҳажмли элементлар кирган жамлама белгилар билан.

112. Тасвирий ва муайян шаклдаги ҳажмли белгиларнинг ўхшашлиги қуйидаги аломатлар асосида аниқланади:

- а) ташқи шакли;
- б) симметрия мавжудлиги ва мавжуд эмаслиги;
- в) мазмуни;
- г) тасвир кўриниши ва характери (табиий, ўзига хослиги, ҳажвий) ва х.к.)
- д) ранг уйғунлиги;

Санаб ўтилган аломатлар ҳар бири алоҳида ва турли бирикмаларда ҳисобга олиниши мумкин.

113. Жамлама белгининг ўхшашлигини аниқлаш учун қуйидагилар билан таққосланади:

- а) жамлама белгилар билан;
- б) текширилаётган жамлама белги таркибига унинг элементи сифатида кирадиган белгилар тури билан.

Жамлама белгиларнинг ўхшашлигини аниқлашда ушбу Қоидаларнинг 106-112-бандларида келтирилган аломатлардан фойдаланилади ва айнан ўхшаш ёки ўхшаш элементнинг талабномада кўрсатилган белгидаги ҳолатнинг аҳамияти текширилади.



114. Товарларнинг бир хил жинслилигини белгилашда истеъмолчида шу товарлар битта ишлаб чиқарувчига қарашли деган тасаввур пайдо бўлиш эҳтимоли аниқланади. Товарларнинг бир жинслилигини белгилашда товарларнинг тури вазифаси, улар тайёрланган материал тури, товарларни сотиш шarti истеъмолси доираси ва бошқа аломатлар.

## 20-§. Қўшимча материалларни сўраш

115. Агар қўшимча материалларсиз талабномада кўрсатилган белгининг экспертизасини ўтказиш мумкин бўлмаса Қонуннинг 13-моддаси учинчи қисмига мувофиқ талабнома берувчига сўровнома юборилади. Сўровнома юбориш учун қуйидаги шартлар асос бўлиши мумкин:

а) ушбу Қоидаларнинг 7-11- ва 28-30-бандларида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиш зарурлиги;

б) товар ва хизматлар рўйхати ва таснифни аниқлаштириш зарурлиги;

в) талабномада кўрсатилган товар ва хизматлар рўйхати таснифини аниқлаштириш натижасида тўланган патент божи ТХХК синфлари сонига тўғри келмаслиги аниқланса, божнинг етишмаган қисмини тўлаш зарурлиги. Бу ҳолда талабнома берувчига агар патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаган ёки ўз ҳуқуқлар ҳажмини камайтириш рад этилган тақдирда талабномада кўрсатилган белги экспертизаси талабномада биринчи кўрсатилган синфларга нисбатан ўтказилади;

г) талабномада кўрсатилган белги тасвирига аниқлик киритиш зарурлиги;

д) барча товарлар ва хизматлар ёки уларнинг бир қисми учун рўйхатдан ўтказишга аввалроқ топширилган ўхшаш товар белгилари ёки белгилар аниқланганлиги сабабли юзага келган саволларни ҳал қилиш зарурлиги.

Юқорида келтирилган асослар бўйича тузилган сўровномага талабномани кўриб чиқишда келиб чиққан бошқа характердаги саволлар ва шунингдек, устуворликни белгилаш билан боғлиқ саволлар киритилиши мумкин.

116. Тақдим этилган ҳужжат ёки маълумотлар исталган бирорта ҳақиқийлиги (ишончли) бўйича экспертизада асосли шубҳа туғилса, экспертиза талабнома берувчидан тасдиқловчи исбот маълумотларини сўрашга ҳақли.

117. Экспертизанинг сўровномада келтирилган фикри хусусан Қонун моддаларига, ушбу Қоида ва бошқа меъёрий ҳужжатларга изоҳ берилган ҳолда асосланган бўлиши керак.

118. Талабнома берувчи томонидан экспертиза сўровномаси бўйича тақдим этилган қўшимча материаллар ушбу Қоидаларнинг 119- ва 120-бандларига мувофиқ кўриб чиқилади.

## 21-§. Қўшимча материалларни текшириш

119. Патент идорасининг сўровномаси бўйича талабнома берувчи томонидан қўшимча материал тақдим этилган ҳолда уларнинг тақдим этишга белгиланган муддатларга рия қилинганлиги текширилади.

120. Талабнома берувчи томонидан Патент идорасининг сўровномаси бўйича ёки ўз ташаббусига кўра қўшимча материаллар келиб тушган ва кўриб чиқишга қабул қилинган ҳолда, улар талабнома моҳиятини ўзгартирмаслиги текширилади. Қўшимча материаллар талабнома моҳиятини ўзгартиради деб эътироф этилади, агар:

а) улар талабномада кўрсатилган белги ўзгартириш киритса;

б) улар товар ва хизматлар рўйхатига талабномада кўрсатилмаган товарлар ва хизматларни қўшса.

## **22-§. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор**

121. Талабномада кўрсатилган белги талабнома берувчи томонидан тақдим этилган товарлар ва хизматлар рўйхатидаги барча товар ва хизматлар учун Қонуннинг 3- ва 10-моддаларида белгиланган талабларга жавоб бериши аниқланса, шу рўйхатда берилган товар ва хизматлар учун товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

122. Агар талабномада кўрсатилган белги ушбу Қоидаларнинг 121-бандида кўрсатилган талабларга товарлар ва хизматларнинг бир қисми учун жавоб берса, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор товарлар ва хизмат шу қисмига нисбатан қабул қилинади.

123. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорда товар белгисида муҳофаза қилинмайдиган элементлар кўрсатилади. Агар рўйхатдан ўтказишга белги рангли тасвирда берилса товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорда белгидаги ранг ёки ранглар уйғунлиги кўрсатилади.

124. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарори рўйхатдан ўтказиш санасига қадар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари хусусан Саноат мулки муҳофазаси бўйича Париж конвенцияси ва Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битими асосида аввалроқ устуворликка эга бўлган айнан ўхшаш ёки аралаштириб юбориш даражасида ўхшаш товар белгисига талабнома келиб тушиш муносабати билан қайта кўриб чиқиши мумкин.

## **23-§. Товар белгисини рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор**

125. Агар Қонуннинг 15-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ўтказилган талабномада кўрсатилган белги экспертизасини ўтказиш натижасида белги товар ва хизматлар рўйхатининг ҳаммаси учун ушбу қоидаларнинг 4-бандида келтирилган талабларга мувофиқ келмаса, талабнома берувчига товар белгисини рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор юборилади.

Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш Қоидаларига

1-илова

|                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |                            |                                                                                                                                  |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Талабнома топширилган сана                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             | Кириш рақами               | Давлат рўйхатн №                                                                                                                 |
| Устуворлик                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             | ТХХК                       |                                                                                                                                  |
| <p><b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА</b><br/> <b>ТОВАР БЕЛГИСИ (ХИЗМАТ КЎРСАТИШ)</b><br/> <b>БЕЛГИСИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШГА</b><br/> <b>ТАЛАБНОМА</b></p> <p>Ўзбекистон Республикаси<br/>         Давлат патент идораси<br/>         700047, Тошкент шаҳри, Тўйтепа кўчаси, 2а уй<br/>         Тел.: (99871) 132-00-13, 132-00-15<br/>         Факс: (99871) 133-45-56; E-mail: info@patent.uz</p> <p><b>АРИЗА</b></p> <p>Талабномани ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиб, талабномада кўрсатилган белгини товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси ) сифатида талабнома берувчи номига рўйхатдан ўтказишингизни сўрайман.</p> |                            |                                                                                                                                  |
| <p>Талабнома берувчи</p> <p>(юридик шахснинг низом бўйича тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг исми, фамилияси ва отасининг исми кўрсатилади)</p> <p>Талабнома берувчининг манзили</p> <p>Телефон:                      Факс:                      E-mail:</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             |                            | <p>КТУТ бўйича ташкилот коди (агар аниқланган бўлса)</p> <p>БИМТ ST 3 стандарти бўйича мамлакат коди (агар аниқланган бўлса)</p> |
| <p>Товар белгиси устуворлигини қуйидаги санадан белгилашингизни сўрайман:</p> <p><input type="checkbox"/> биринчи талабнома(лар) топширилган санадан</p> <p><input type="checkbox"/> экспонатни кўргазмада очик намоиш қилинган санадан</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                            |                            |                                                                                                                                  |
| Биринчи талабнома(лар) №                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               | Сўралган устуворлик санаси | Талабнома топширилган мамлакатнинг БИМТ ST 3 стандарти бўйича коди (конвенцион устуворлик сўралганда)                            |
|                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |                            |                                                                                                                                  |
| <p>Ёзишмалар учун манзил (хат олувчининг тўлиқ почта манзили, тўлиқ исми ёки номланиши)</p> <p>Телефон:                      Факс:                      E-mail:</p> <p>Патент вакили (тўлиқ исми, рўйхатга олинган рақами)</p> <p>Патент вакилининг манзили (тўлиқ почта манзили)</p> <p>Телефон:                      Факс:                      E-mail:</p>                                                                                                                                                                                                                                                          |                            |                                                                                                                                  |

| Талабнома топширилган сана                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             | Кириш рақами №                                | Давлат рўйхати № |                                        |                                       |                                                    |                                           |                                            |                                               |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------|------------------|----------------------------------------|---------------------------------------|----------------------------------------------------|-------------------------------------------|--------------------------------------------|-----------------------------------------------|
|                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |                                               |                  |                                        |                                       |                                                    |                                           |                                            |                                               |
| <p>Талабнома берилаётган белги тасвири</p> <div data-bbox="363 315 609 545" style="border: 1px solid black; width: 225px; height: 147px; margin: 0 auto;"></div>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |                                               |                  |                                        |                                       |                                                    |                                           |                                            |                                               |
| <p>Талабнома берилаётган белгининг тури:</p> <table style="width: 100%; border: none;"> <tr> <td style="width: 50%; border: none;"><input type="checkbox"/> сўзли белги</td> <td style="width: 50%; border: none;"><input type="checkbox"/> ҳарfli белги</td> </tr> <tr> <td style="border: none;"><input type="checkbox"/> тасвирли белги</td> <td style="border: none;"><input type="checkbox"/> рақамли белги</td> </tr> <tr> <td style="border: none;"><input type="checkbox"/> уйғунлашган белги</td> <td style="border: none;"><input type="checkbox"/> ҳарfli-рақамли белги</td> </tr> </table> |                                               |                  | <input type="checkbox"/> сўзли белги   | <input type="checkbox"/> ҳарfli белги | <input type="checkbox"/> тасвирли белги            | <input type="checkbox"/> рақамли белги    | <input type="checkbox"/> уйғунлашган белги | <input type="checkbox"/> ҳарfli-рақамли белги |
| <input type="checkbox"/> сўзли белги                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   | <input type="checkbox"/> ҳарfli белги         |                  |                                        |                                       |                                                    |                                           |                                            |                                               |
| <input type="checkbox"/> тасвирли белги                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                | <input type="checkbox"/> рақамли белги        |                  |                                        |                                       |                                                    |                                           |                                            |                                               |
| <input type="checkbox"/> уйғунлашган белги                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             | <input type="checkbox"/> ҳарfli-рақамли белги |                  |                                        |                                       |                                                    |                                           |                                            |                                               |
| <p>Талабнома берилаётган белгининг таркибий элементлари:</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |                                               |                  |                                        |                                       |                                                    |                                           |                                            |                                               |
| <p>Белгининг ёки ундаги қисмларнинг транслитерацияси:</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                              |                                               |                  |                                        |                                       |                                                    |                                           |                                            |                                               |
| <p>Ранг ёки ранглар уйғунлиги (агар белгини рангли тасвирда рўйхатдан ўтказиш сўралса)</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             |                                               |                  |                                        |                                       |                                                    |                                           |                                            |                                               |
| <p>Қўшимча маълумотлар</p> <table style="width: 100%; border: none;"> <tr> <td style="width: 50%; border: none;"><input type="checkbox"/> жамоа белгиси</td> <td style="width: 50%; border: none;"><input type="checkbox"/> ҳидли белги</td> </tr> <tr> <td style="border: none;"><input type="checkbox"/> уч ўлчамли (ҳажмли) белги</td> <td style="border: none;"><input type="checkbox"/> голографик белги</td> </tr> <tr> <td style="border: none;"><input type="checkbox"/> товушли белги</td> <td style="border: none;"><input type="checkbox"/> ёруғлик белгиси</td> </tr> </table>             |                                               |                  | <input type="checkbox"/> жамоа белгиси | <input type="checkbox"/> ҳидли белги  | <input type="checkbox"/> уч ўлчамли (ҳажмли) белги | <input type="checkbox"/> голографик белги | <input type="checkbox"/> товушли белги     | <input type="checkbox"/> ёруғлик белгиси      |
| <input type="checkbox"/> жамоа белгиси                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 | <input type="checkbox"/> ҳидли белги          |                  |                                        |                                       |                                                    |                                           |                                            |                                               |
| <input type="checkbox"/> уч ўлчамли (ҳажмли) белги                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     | <input type="checkbox"/> голографик белги     |                  |                                        |                                       |                                                    |                                           |                                            |                                               |
| <input type="checkbox"/> товушли белги                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 | <input type="checkbox"/> ёруғлик белгиси      |                  |                                        |                                       |                                                    |                                           |                                            |                                               |

|                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             |                                  |                  |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------|------------------|
| Талабнома топширилган сана                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                  | Кириш рақами №                   | Давлат рўйхати № |
|                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             |                                  |                  |
| ТХХК синфлари бўйича гуруҳланган ва амалдаги классификациянинг аниқ терминлари билан ифодаланган товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарлар ва (ёки) хизматлар рўйхати:                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         |                                  |                  |
| Синфи                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       | Товарлар ва (ёки) хизматлар номи |                  |
|                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             |                                  |                  |
| Агар рўйхат ажратилган қисмга сиғмаса, тўлиқлигича алоҳида varaқда талабномага илова кўринишида келтирилади                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 |                                  |                  |
| Илова қилинган ҳужжатлар рўйхати:                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           | бир нусхадаги varaқлар сони      | нусхалар сони    |
| <input type="checkbox"/> белгиланган миқдорда бож тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат<br><input type="checkbox"/> талабномада кўрсатилган белгининг тасвири<br><input type="checkbox"/> товарлар ва хизматлар рўйхати, агар улар илова кўринишида келтирилса<br><input type="checkbox"/> патент вакили ваколатини тасдиқловчи ишончнома<br><input type="checkbox"/> талабномага илова қилинаётган ҳужжатларнинг ўзбек ёки рус тилига таржимаси<br><input type="checkbox"/> юридик ва (ёки) жисмоний шахслар бирлашмасининг жамоавий белгидан фойдаланишлари ҳақидаги келишуви<br><input type="checkbox"/> бошқа ҳужжат (кўрсатилсин)<br><input type="checkbox"/> илгари рўйхатдан ўтказилган товар белгиси гувоҳномасининг нусхаси |                                  |                  |
| Имзо                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |                                  |                  |
| Қуйида имзо чекиб хуқуқ топшираётган шахс қуйида имзо чеккан шахсга Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига товар белгисини рўйхатдан ўтказишга топширилган Талабномага хуқуқни топширади.                                 |                                                                                                                                                                                               |
| <b>Хуқуқ топшираётган шахснинг номи</b><br>Хуқуқ топшираётган шахснинг манзили (почта индекси ва мамлакат номи ҳам кўрсатилган ҳолда)<br>Телефон: _____ Факс: _____ E-mail: _____                                                  |                                                                                                                                                                                               |
| <b>Хуқуқ олаётган шахснинг номи</b><br>Хуқуқ олаётган шахснинг манзили (почта индекси ва мамлакат номи ҳам кўрсатилган ҳолда)<br>Телефон: _____ Факс: _____ E-mail: _____                                                          |                                                                                                                                                                                               |
| <b>Хуқуқ топширишга онд, лекин талабнома берувчини ўзгартирилганлиги ҳақидаги қайдни кинригиш мақсадлари учун мажбурий бўлмаган қўшимча кўрсатмалар (кўрсатилсин):</b><br><input type="checkbox"/> давомини алоҳида варақда кўринг |                                                                                                                                                                                               |
| <b>Имзо ва муҳр</b><br>Хуқуқ топшираётган шахс: _____ Имзо билан тасдиқланган сана: _____<br>Хуқуқ олаётган шахс: _____ Имзо билан тасдиқланган сана: _____                                                                        |                                                                                                                                                                                               |

Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш Қондаларига  
6-илова

| ЎзР ДПИ га келиш санаси                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                | Кириш рақами №                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |             |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------|
| (Ўзр ДПИда тўлдирилади)                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |             |
| <p><b>ТАЛАБНОМАНИ АЖРАТИШ<br/>ХАҚИДАГИ АРИЗА</b></p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                   | <p>Ўзбекистон Республикаси<br/>Давлат патент идораси<br/>700047, Тошкент шаҳри, Тўйтепа кўчаси, 2-а уй.<br/>Тел.: (99871) 132-00-13, 132-00-15<br/>Факс: (99871) 133-45-56; E-mail:<br/>info@patent.uz</p> <p>Ушбу аризани тақдим этиб, талабномани биринчи талабномада келтирилган товарлар ва хизматларни улар ўртасида бўлиш йўли билан, устуворликни сақлаган ҳолда иккита ёки бир нечта талабномага ажратишингизни сўрайман.</p> |             |
| Талабнома рақами №                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |             |
| Талабнома топширилган сана                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |             |
| Талабнома берувчи                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                      |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |             |
| Талабнома берувчининг манзилгоҳи                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |             |
| Телефон:                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               | Факс:                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 | E-mail:     |
| Патент вакили (тўлиқ ном, рўйхат рақами)                                                                                                                                                                                                                                                                                                               |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |             |
| Патент вакилининг манзили (тўлиқ почта манзили)                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |             |
| Телефон:                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               | Факс:                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 | E-mail:     |
| Ўзинишлар учун манзил (тўлиқ почта манзили, хат олувчининг исми-шарифи ёки номи)                                                                                                                                                                                                                                                                       |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |             |
| Телефон:                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               | Факс:                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 | E-mail:     |
| Ажратилмаётган талабномага тегишли товарлар ва/ёки хизматлар рўйхати:                                                                                                                                                                                                                                                                                  |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |             |
| <input type="checkbox"/> давомини алоҳида варақда кўринг                                                                                                                                                                                                                                                                                               |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |             |
| <input type="checkbox"/> Аризага иловалар:<br><input type="checkbox"/> Ажратилган талабнома учун Ариза бланкаси<br><input type="checkbox"/> белгиланган миқдорда бож тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат<br><input type="checkbox"/> товарлар ва/ёки хизматлар рўйхатининг давоми берилган варақлар<br><input type="checkbox"/> бошқа ҳужжатлар (кўрсатилсин) | нусхалар сони                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         | бетлар сони |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

14 октябрь 2002 йил  
357-сон  
Тошкент ш.

### Патент божлари тўғрисидаги низомни ва патент божлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида

Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2002 йил 14 июндаги 209-сонли қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Патент божлари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Патент божлари ставкалари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, иш юритилиши тугалланмаган ихтиролар ва саноат намуналарига дастлабки патентлар беришга талабномалар, шунингдек амал қилиш муддати тамом бўлмаган ихтиролар ёки саноат намуналарига дастлабки патентлар «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири кучга кирган кундан бошлаб олти ой мобайнида тегишли патент божлари тўланган тақдирда талабнома берувчи ёки патент эгасининг илтимосига кўра патент бериш учун талабномаларга айлантирилиши мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини расмий рўйхатдан ўтказилганлиги учун ундириладиган рўйхатга олиш йиғимларининг миқдорлари тўғрисида» 1995 йил 21 августдаги 331-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 8-сон, 30-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида» 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ўзининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ҳ.С. Кароматов ва Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

Ў. Султонов

## Патент божлари тўғрисида НИЗОМ

1. Мазкур Низом ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиққан жой номлари, ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ юридик аҳамиятли хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги учун патент божлари (бундан буён матнда «бож» деб юритилади) тўлаш тартибини, шунингдек уларни тўлашдан озод қилиш, бождарнинг миқдорларини камайтириш ёки қайтариш асосларини белгилаб беради.

2. Бож Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг (бундан буён матнда «Патент идораси» деб юритилади) ҳисоб рақамларига тегишли суммаларни ўтказиш йўли билан тўланади ҳамда тўлов ҳужжати билан тасдиқланади.

3. Бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатда талабнома ёки патентнинг рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами, унинг учун бож тўланган ҳаракатта доир гувоҳнома ва унинг номи бўлиши керак. Агар талабномага рўйхатдан ўтказиш рақами ҳали берилмаган бўлса, кўрсатиб ўтилган ҳужжатда унинг учун бож тўланган хатти-ҳаракатнинг номи билан биргаликда ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товар келиб чиққан жой номлари, ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологияларининг номлари, шунингдек биринчи муаллифнинг фамилияси ёки талабнома берувчининг номи бўлиши керак. Патент идораси кўрсатиб ўтилган маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳужжатни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4. Тўланган божнинг миқдори белгиланган бож миқдорига мувофиқлиги бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган санада қараб аниқланади.

5. Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиққан жой номлари, ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологиялари ҳуқуқий муҳофаза қилиниши билан боғлиқ бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаган тақдирда юридик аҳамиятли хатти-ҳаракат содир этилмайди.

6. Агар давлат экспертизаси ўтказилганлиги учун талабномага доир бож ёки ихтиролар, фойдали моделлар гуруҳига, саноат намунаси вариантларига талабнома берилганлиги ва экспертиза ўтказилганлиги учун божнинг белгиланган миқдоридан кам миқдорда бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган тақдирда, экспертиза талабнома берувчи томонидан

танланган, ёхуд бундай танлов мавжуд бўлмаганда, ихтиро, фойдали модель формуласида ёки саноат намунаси тавсифида биринчи бўлиб кўрсатилган ва улар учун бож тўланган ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намунаси вариантларига нисбатан ўтказилади.

Агар товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига талабнома берилганлиги ва давлат экспертизасидан ўтказилганлиги учун божнинг белгиланган миқдоридан кам миқдорда талабномага доир бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган тақдирда, экспертиза Товарлар ва хизматлар халқаро таснифининг талабнома берувчи томонидан танланган ва улар учун бож тўланган белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун синфларига нисбатан ўтказилади.

Талабнома берувчи Патент идораси томонидан етишмаётган бож қўшимча равишда тўланиши тўғрисида билдиришнома юборилган санадан бошлаб 3 ой мобайнида зарур суммани тўлаш ҳуқуқига эга бўлади.

7. Экспертиза қарори жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида муҳофаза ҳужжати рўйхатдан ўтказилганлиги, эълон қилинганлиги ва берилганлиги учун белгиланган миқдорда бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаган тақдирда ушбу тартиботлар амалга оширилмайди. Бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатиб ўтилган уч ойлик муддат тамом бўлган кундан бошлаб уч ой мобайнида тақдим этилиши мумкин. Ушбу ҳолатда бож миқдори 50 % га кўпаяди.

8. Тўланган талабнома божи қайтарилмайди.

9. Тўланган бошқа божлар ариза берувчининг – божи тўлаган шахснинг илтимосига кўра божлар белгиланган миқдордан ортиқ миқдорда тўланган ёки унинг учун бож тўланган хатти-ҳаракат содир этилмаган тақдирда қайтарилиши мумкин.

10. Божнинг ортиқча тўланган суммаси илтимос қилувчи шахснинг илтимосига кўра илтимос берилган санада уларни тўлаш мумкин бўлган бошқа божлар тўланиши ҳисобига ўтказилиши мумкин.

11. Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар патент божларини миллий валютада тўлайдилар. Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар божи, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, АҚШ долларларида ёки АҚШ долларига нисбатан қайта ҳисоблаб чиқилган бошқа эркин муомиладаги валютада тўлайдилар.

12. Божларни қайтаришга доир банк хизматларига бож тўлаган шахс ҳисобидан ҳақ тўланади.

13. Жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий жисмоний шахслар, яшаш жойидан қатъий назар, божларнинг белгиланган миқдорининг 25 фоизини тўлайдилар.

14. Нотижорат ташкилотлар жойлашган жойидан қатъий назар божларнинг белгиланган миқдорининг 30 фоизини тўлайдилар.

15. Кичик корхоналар (корхоналар типлари классификаторининг асосий схемаси бўйича) жойлашган жойидан қатъий назар божларнинг белги-ланган миқдорининг 50 фоизини тўлайдилар.

16. 13, 14 ва 15-бандларда кўрсатилган талабнома берувчиларнинг ма-қоми талабнома берувчилар тегишли равишда жойлашган мамлакат (яшаш жойи) қонунчилиги бўйича аниқланади.

13, 14 ва 15-бандлар қоидалари, шунингдек, агар барча талабнома бе-рувчилар ушбу бандларда кўрсатилган шахсларнинг бирор-бир тоифасига тегишли бўлган тақдирда, талабнома берувчилар гуруҳига нисбатан ҳам қўлланилади.

Агар гуруҳнинг талабнома берувчилари шахсларнинг ҳар хил тоифаларига тегишли бўлса, у ҳолда уларнинг ҳар бири учун назарда тутилган ставкаларнинг энг юқориси қўлланилади.

Бож миқдори камайтирилиши ҳуқуқига эга бўлган талабнома беру-вчилар ушбу ҳуқуқни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни тақдим этадилар.

17. Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микро-схемалар топологияларининг ягона муаллифлари бўлган ҳамда ўз номига муҳофаза ҳужжати сўраётган ёки ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияларига муҳофаза ҳужжатининг ягона ҳуқуқий эгалари ҳисобланган II ва III гуруҳ ногиронлар, таълим муассасаларининг ўқувчилари ва талабалари, аспирантлар божни Патент божлари ставкаларининг 1.1-1.3, 2.1-2.3, 4.1, 4.2, 5.1, 5.2-бандларида назарда тутилган божларнинг 12,5 фоизи миқдориди тўлайдилар.

Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқ-лари, ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхе-малар топологияларининг ягона муаллифлари бўлган ҳамда ўз номига муҳо-фаза ҳужжати сўраётган ёки ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуна-лари, селекция ютуқлари, ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, ин-теграл микросхемалар топологияларига муҳофаза ҳужжатининг ягона ҳуқу-қий эгалари ҳисобланган 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ёки уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек I гуруҳ ногиронлари бож тў-лашдан озод қилинадилар.

Мазкур бандда назарда тутилган бож миқдорини камайтириш ёки уни тўлашдан озод қилиш талабнома берувчининг, муҳофаза ҳужжати эгасининг илтимосига кўра берилади ва қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари бунга асос ҳисобланади:

1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиси ёки унга тенглаштирилган шахснинг гувоҳномаси;

уруш йиллари фронт ортида ишлаганлик (ёки хизмат қилганлик) учун берилган гувоҳнома;

меҳнат қобилиятининг йўқолиши даражасини аниқлайдиган тиббиёт комиссиясининг маълумотномаси;

таълим муассасаси томонидан берилган ҳужжат.

18. Лицензия шартномаси, муҳофаза ҳужжатини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартнома тузилган тақдирда бож миқдорини камайтириш назарда тутилмайди.

**Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларига  
ҳуқуқий муҳофаза бериш учун Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 14 октябрдаги 357-сон Қарорига 2-иловасидан олинган  
патент божлари ставкаларидан кўчирма**

| Бож<br>коди                                                       | Божнинг вазифаси                                                                                                                           | Ставкалар                         |                                         | Бож тўланганлиги<br>тўғрисидаги ҳужжатни<br>тақдим этиш<br>муддатлари |
|-------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------|-----------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------|
|                                                                   |                                                                                                                                            | энг<br>кам<br>ойлик<br>иш<br>ҳақи | хорижий<br>валютада<br>(АҚШ<br>доллари) |                                                                       |
| <b>1. Талабнома бериш учун божлар</b>                             |                                                                                                                                            |                                   |                                         |                                                                       |
| 1.1                                                               | Товар белгисини, хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказишга талабнома бериш ва талабномадаги белгиларни давлат экспертизасидан ўтказиш: |                                   |                                         | Талабнома бериш билан бир вақтда                                      |
|                                                                   | - ТХХКнинг битта классидан учун:                                                                                                           | 20                                | 600                                     |                                                                       |
|                                                                   | - биттадан ортиқ ҳар бир ТХХК классидан учун                                                                                               | 2                                 | 60                                      |                                                                       |
|                                                                   | - жамоа белгисига оид ТХХКнинг битта классидан учун                                                                                        | 25                                | 600                                     |                                                                       |
|                                                                   | - биттадан ортиқ жамоа белгисига оид ТХХКнинг ҳар бир классидан учун                                                                       | 2,5                               | 60                                      |                                                                       |
| <b>2. Рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва гувоҳномаларини бериш</b> |                                                                                                                                            |                                   |                                         |                                                                       |
| 2.1                                                               | Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш                                                                                                          | 3                                 | 250                                     | Экспертиза қарори жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида           |
| 2.2                                                               | Товар белгилари тўғрисидаги маълумотларни расмий ахборотномада эълон қилиш                                                                 | 1                                 | 84                                      |                                                                       |
| 2.3                                                               | Гувоҳнома бериш                                                                                                                            | 3                                 | 250                                     |                                                                       |



### 3. Гувоҳномаларнинг амал қилишни сақлаш учун божлар

|     |                                                                                                   |                                         |      |                                                                                                                                                                                                                           |
|-----|---------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------|------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 3.1 | Товар белгисига гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш учун:                                |                                         |      | Биринчи йил учун – рўйхатдан ўтказиш, зълон қилиш ва гувоҳнома бериш учун бож тўланганини тасдиқловчи ҳужжат билан бир вақтда. Кейинги йиллар учун – гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагунгача охириги уч ой мобайнида |
|     | - ТХХКнинг битта класс учун;                                                                      | 20                                      | 600  |                                                                                                                                                                                                                           |
|     | - биттадан ортиқ ҳар бир класс учун                                                               | 2                                       | 60   |                                                                                                                                                                                                                           |
| 3.2 | Жамоа белгисига гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш учун:                                |                                         |      |                                                                                                                                                                                                                           |
|     | - ТХХКнинг битта класс учун;                                                                      | 25                                      | 1200 |                                                                                                                                                                                                                           |
|     | - биттадан ортиқ ҳар бир класс учун                                                               | 2,5                                     | 120  |                                                                                                                                                                                                                           |
| 3.3 | Гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг 6 ойлик муддатни тақдим этилиши учун қўшимча бож | белгиланган бож миқдорининг<br>50 фоизи |      | Муддатни узайтириш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда                                                                                                                                                                 |

### 4. Товар белгиларига бўлган ҳуқуқни бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш

|     |                                                                                                                    |     |      |                                                  |
|-----|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|------|--------------------------------------------------|
| 4.1 | Қуйидагилардан иборат бўлган лицензия шартномасини рўйхатдан ўтказиш:                                              |     |      | Ҳуқуқни бериш тўғрисидаги ариза билан бир вақтда |
|     | - битта товар белгиси                                                                                              | 10  | 840  |                                                  |
|     | - бир нечта товар белгилари; лицензия шартномасида кўрсатилган ҳар бир товар белгиси учун қўшимча равишда          | 5   | 420  |                                                  |
| 4.2 | Қуйидагиларни бериш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш:                                                      |     |      |                                                  |
|     | - битта товар белгисини                                                                                            | 15  | 1260 |                                                  |
|     | - бир нечта товар белгиларини, бериш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган ҳар бир товар белгиси учун қўшимча равишда | 7,5 | 630  |                                                  |

### 5. Ўзгартиришлар киритиш

|     |                                                                                                                                                           |     |     |                                                      |
|-----|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|-----|------------------------------------------------------|
| 5.1 | Давлат экспертизасининг қарори чиққунгача талабнома берувчининг ташаббусига кўра товар белгисига талабномага тузатишлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритиш | 2,5 | 210 | Ўзгартиришлардан иборат материаллар билан бир вақтда |
| 5.2 | Товар белгисига гувоҳномага ўзгартиришлар киритиш                                                                                                         | 5   | 420 |                                                      |

|                                                                                             |                                                                                                                                                                                                                                  |     |     |                                                      |
|---------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|-----|------------------------------------------------------|
| 5.3                                                                                         | Рўйхатдан ўтказилган лицензия шартномасига ва ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартномага ўзгартиришлар киритиш                                                                                                                      | 2,5 | 210 |                                                      |
| 5.4                                                                                         | Товар белгисига талабномани ажратиш (дастлабки талабномадан ажратилган ҳар бир талабнома учун) ёки товар белгисини рўйхатдан ўтказишни ажратиш (янгидан пайдо бўлган ҳар бир рўйхатдан ўтказиш учун)                             | 20  | 600 | Ажратиш тўғрисида илтимоснома бериш билан бир вақтда |
| 5.5                                                                                         | Талабнома берилган санадан товар белгисини рўйхатдан ўтказиш санасигача бўлган даврда берилган товар белгисини рўйхатдан ўтказиш юзасидан талабномага ҳуқуқни бошқа шахсга бериш муносабати билан талабнома берувчини ўзгартириш | 7,5 | 630 | Ўзгартиришлардан иборат материаллар билан бир вақтда |
| <b>6. Экспертиза сўрови бўйича ҳужжатларни тақдим этиш муддатларини узайтириш ва тиклаш</b> |                                                                                                                                                                                                                                  |     |     |                                                      |
| 6.1                                                                                         | Товар белгиларига талабномалар бўйича экспертиза сўровига жавоб беришнинг қонунда белгиланган муддатини узайтириш, узайтиришнинг ҳар бир ойи учун                                                                                | 1   | 84  | Узайтириш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда     |
| 6.2                                                                                         | Товар белгиларига талабномалар бўйича экспертиза сўровига жавоб беришнинг қонунда белгиланган, талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатини тиклаш                                                                    | 10  | 600 | Тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш билан бир вақтда  |

## Мундарижа

|                                                                                                                                                                                                                   |    |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Сўз боши.....                                                                                                                                                                                                     | 3  |
| Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори<br>«Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар<br>келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон<br>Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида.....   | 5  |
| Ўзбекистон Республикаси Қонуни<br>Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига<br>ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида<br>(кўчирма).....                                                         | 6  |
| Ўзбекистон Республикаси Қонуни<br>«Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар<br>келиб чиққан жой номлари тўғрисида» .....                                                                               | 7  |
| Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан<br>ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш<br>қоидалари .....                                                                                  | 23 |
| Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори<br>Патент божлари тўғрисидаги низомни ва патент божлари<br>ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида.....                                                            | 59 |
| Патент божлари тўғрисида Низом.....                                                                                                                                                                               | 60 |
| Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларига ҳуқуқий<br>муҳофаза бериш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14<br>октябрдаги 357-сон Қарорига 2-иловасидан олинган патент<br>божлари ставкаларидан кўчирма..... | 63 |

Муҳаррир  
Тех. муҳаррир  
Макет учун масъул

Тухтаев М.Э.  
Эргашева М.Р.  
Вапаева Г.С.

Босишга рухсат этилди 23.01.2003. Қоғоз бичими 60x841/16.  
Офсет қоғози. Ҳажми 4,25 б.т. Шартли босма табоқ 3,95  
Шартли бўёқ нусхаси 4,06. Адади 50. Келишилган нархда.

«PATENT-PRESS» TEZKOR NASHR QILISH MARKAZI SHO'BA  
KORXONASI да чоп этилган.  
7000047, Тошкент, Тўйтепа кўчаси, 2-а уй.